Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 58 (20. 625) • 1990 йил 10 март, шанба • Баҳоси 3 тийин.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

● МОСКВА

ЗИЛ конструкторлари ишлаб чиққан ва синовдан ўтказган янги машина ўта оғир юкларни ташишга мўлжалланган.

Бу автомобилдан корхона ичида фойдаланилади ва унга бир йўла ўттиз тоннагача оғирликда бўлган юкни ортиш мумкин. Илгари катта штампларни ташиш учун фақат пресслаш корпусининг ўзида икки-учта трактор керак бўларди. Синовда машинанинг кўпгина афзалликларга эга эканлиги, чаққон ҳаракат қилиши, шунингдек пол қопламаларини унчалик эзиб юбормаслиги маълум бўлди. Бу эса корпуслар ичида ҳаракат қилинганида муҳим аҳамиятга эга.

● ХАРЬКОВ

Кураж посёлкасида барпо этилаётган йирик панелли уйсозлик заводининг конструкцияларидан кўп қаватли бинолар ва қулай коттежлар қуриш мумкин.

Корхонанинг биринчи навбати ишга тушди. Унинг иккинчи навбати ишга туширилиши билан заводда йилига 140 минг квадрат метр уй-жой барпо этиш учун деталлар тайёрланади.

● СИКТИВКАР

Воркута яқинидаги Қутборти Урал тоғларида топилган конда миллион куб метр мармар ва мармарсифат оҳактош бор.

Коми АССР қурувчилари лардозлаш материалларига жуда муҳтож. Бу материалларни олис жойлардан олиб келишга тўғри келяпти. Коннинг саноат асосида ўзлаштирилиши муаммони ҳал этишга ёрдам беради. Бу иш билан «Комистройматериали» бирлашмаси шуғулланади. У фақат автоном республика қурувчиларинигина таъминлаб қолмасдан, Россиянинг бошқа регионларига ҳам мармар етказиб беради.

(ТАСС).

КОММУНИСТЛАР ФАОЛЛИГИНИНГ КЎРИГИ

Бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов кампанияси бошланди

Бугун партия комитетлари ва партия бюролари бўлган цех ва бошланғич партия ташкилотларида съездолди ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланади. Партия ҳаётидаги бу муҳим кампания 15 апрелгача давом этади ва у КПСС XXVIII съездига кўрилаётган тайёргарликка салмоқли мазмун бахш этади.

Бошланғич ташкилот — партиянинг асоси, меҳнат коллективининг сиёсий ўзаги бўлиб, меҳнаткашлар ўртасида бевосита иш олиб боради, уларни партия товарагига жипслаштиради, иқтисодий ва маданий турмуш вазифаларини бажаришга уюштиради, партиянинг кадрлар сиёсатини ўтказишда фаол қатнашади. Жойларда ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланғич партия ташкилотлари ўзининг ана шу вазифаларини қандай бажараётгани, ўз ишини қайта қуриш талаблари асосида қай даражада йўлга қўяётганлигининг кўламли кўрниги бўлади. Республикамизда 660 минг коммунистни ўзига бирлаштирган 21 мингдан зиёд бошланғич партия ташкилоти бор. Булар меҳнат коллективларида ғоявий, сиёсий ва тарбиявий ишлар олиб бориб, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларини бажаришга сафарбар этмоқдалар, ўз фаолиятларида инсон тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўйишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳозир қайта қуриш турмушнинг барча соҳаларини ва аҳоли қатламларини қамраб олиб, демократия, ошкоралик, одамларнинг эркин фикрлаши ва ташаббус кўрсатиши жиҳатидан қараганда кўп нарса берди. Шундай шароитда ҳисобот-сайлов йиғилишларида партия ташкилотлари ва коммунистларнинг қайта қуришнинг ҳозирги ғоят мураккаб босқичида тутган ўрни ва роли тўғрисидаги принципиал масалалар кўриб чиқилиши керак. Бунда жумҳуриятимиз бутун мамлакатда бўлганидек, ғоятда мураккаб, зиддиятли бир даврни бошидан кечираётганини чуқур идрок этиш зарур. Халқимиз турмуши анча ночор, уй-жойлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, майтаб ва касалхоналар етишмайди, дўкон ва бозорларда қимматчилик, аҳолининг жон бошига олаётган даромади кун кечириш учун зўр-базўр етади. Республикада ҳозир 1 миллиондан ортиқ ишсиз бор. Атроф-муҳит, табиатнинг мувозанати бузилган. Бунинг устига — Орол фожиаси. Ана шундай кўплаб муаммолар Ўзбекистонда қайта қуришнинг бош мезонини ташкил этади. Республикамизда ҳозирги пайтда амалга оширилаётган бир қатор катта тадбирлар шу муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Лекин улар дастлабки қадамлардир. Шунинг учун ҳам ҳисобот докладида ва оқилона ташкил этилган музокараларда мазкур масала диққат марказида туриши ва қабул қилинадиган қарорларда ўз аниқ ифодасини топиши керак.

Бу галги ҳисобот-сайлов йиғилишлари зиммасига ғоят сапмоқли вазифа юклатилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Коммунистлар КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси, КПСС Устави, Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастурини, шунингдек партия ташкилотларининг ана шундан келиб чиқадиган вазифаларини ҳам кенг муҳокама қиладилар.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури, Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастури шундан далолат берадики, эндиликда бошланғич партия ташкилотларининг мустақиллиги кенгайтириб, масъулияти оширилаверади. Улар ҳар бир меҳнат коллективига ўз фикрини баралла айтиб туриши керак. Бошланғич партия ташкилотларининг сўзи ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий соҳадаги ҳамма масалаларни ҳал этишда, кадрларни кўтаришда обрўли ва салмоқли бўлиши даркор. Бошланғич ташкилот ва унда ҳисобда турувчи коммунистлар ана шу бурчларини теран англашлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида қанчалар ёрқин намоён бўлса, ўша коллективда қайта қуриш иши шунчалар дадил олға босаверади.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, партия Марказий Комитетининг съездидан кейинги Пленумлари қарорларининг бажарилиши ҳар томонлама таҳлил этилиши ва бундан тегишли хулосалар чиқарилиши зарур. Бунда масалага партиянинг ижтимоий ва иқтисодий сиёсатини амалга оширишда партия ташкилотлари масъулиятини кўтариш, меҳнаткашлар турмуш даражасини яхшилаш партиявий фаолият марказига қўйилиши шарт эканлиги нуқтаи назаридан ёндашиш талаб этилади.

Ўтган йили республика халқ хўжалиги мураккаб шароитларда ривожланди. Пул муомаласи, товар ва пул миқдорининг мувозанати ёмонлашди. Энг муҳим молларнинг камчиллиги кучайди. Республика иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти йиллик планининг энг муҳим кўрсаткичлари бажарилмади. Ҳисобот йиғилишларида беш йилликнинг якунловчи йилида ана шу камчиликларни бартараф этишда ҳар бир меҳнат коллективи куч-ғайратини янада ошириш ва республика бўйича умумий юксалишга эришиш учун муносиб ҳисса қўшиш хусусида коммунистлар аниқ таклифларни ўртага ташласалар айни муддао бўларди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари партиявий ишнинг қайта қуриш шароитида ўзига хос усул ва услублари орқали коммунистларни, барча меҳнаткашларни ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, фан-техника тараққиётини авж олдириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг оқилона формаларини жорий қилишга фаол сафарбар қилишга кўмаклашиши даркор. Ишлаб чиқаришни олға бостиришга халақит бераётган камчиликларни бартараф этиш, ҳар бир корхона, қурилиш, колхоз ва совхозда фойдаланилмаётган резервларни ишга солишга алоҳида эътибор бериш лозим. Социалистик мулкни асраш, давлат ва меҳнат интизомига, совет қонунчилигига қатъий риоя этиш ҳисоботни муҳокама қиладиган коммунистлар диққат-эътиборида бўладиган масалапардир.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари ҳисобот-сайлов йиғилишлари демократиялашни ривожлантириш ва ошкораликни таъминлаш, ҳар бир партия ташкилоти фаолияти юз-хотирсиз танқид ва ўз-ўзини танқид асосида ишчанлик, принципиаллик билан муҳокама этилишини таъминлашга бурчлидирлар. Хўжалик ва маданий қурилишга партиявий раҳбарлик амалиёти, қарорлар ижроси устидан назоратни кучайтириш, топширилган иш учун кадрлар масъулиятини ошириш, партиявий-сиёсий ва ташкилотчилик ишларини такомиллаштириш масалаларини бутун партияда рўй бераётган қайта қуриш, янгиланиш нуқтаи назарида туриб муҳокама қилиш зарур. Миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, байналмилал тарбия борасидаги ишларга янги мазмун, равнақ бахш этиш керак.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида партия конференцияларига делегатлар, Ўзбекистон Компартияси XXII съездига ва КПСС XXVIII съездига делегатлар номзодлари ҳам кўрсатилади. Номзод танланаётганда шошма-шошарлик, юзакичилик, юз хотирчиликка мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Номзодлар қайта қуришга амалий иш билан ҳисса қўшаётган, партия сиёсатини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этишга лаёқатли, аниқ партиявий позицияда турувчи ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг вакилларидан танланади. Бу ўринда коммунистлар кимга делегатлик ваколатини бераётганликларига бефарқ бўлмасликлари жуда муҳимдир.

Партия ташкилотларининг сермеҳнат, аммо шарафли фаолиятига партия бюролари ва комитетлари, уларнинг котиблари бошчилик қилишади. Коллективдаги маънавий-сиёсий муҳит, тарбиявий ишнинг самарадорлиги, партия ташкилотининг жанговарлиги, қабул қилинган қарорлар қоғозда қолиб кетмаслиги кўп жиҳатдан секретарга боғлиқ. Бу талабларни бажариш учун котибнинг яхши ижрочи бўлишигина кифоя қилмайди. У янгиликни дарҳол пайқай олиш, қимматли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, меҳнат кишисига ғамхўр бўлиш, масъулиятни ўз устига олишга тайёр туриш, соғлом танқид ва ўз-ўзини танқидга йўл очиб бериш, хўжалик маъносидаги ҳар бир қадам, тадбир замирида сиёсий ва социал маънони кўра билиш фазилатларига эга бўлиши керак. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар партия бюролари ва комитетлари составига, уларга котиб сифатида бошчилик қилишга ана шундай фазилатларга эга бўлган коммунистлар сайланишига эришишлари даркор.

Республика бошланғич партия ташкилотларида бошланаётган ҳисобот-сайлов йиғилишлари пировард натижада партиянинг амалий ишлар билан тасдиқланадиган обрўсини тиклашга, партия ички демократиясини мустаҳкамлашга, коммунистларнинг қайта қуриш учун курашдаги чинакам авангардлик ролини таъминлашга, партиямизнинг инсонпарвар, демократик социализмга эришишдек эзгу ниятига хизмат қилади, деган умиддамиз.

КЎКЛАМ—МЕҲНАТ БИЛАН КЎРКАМ

УСТАХОНАДА ИШ ҚИЗҒИН

Риштон ноҳияси «Коммунизм» жамоа хўжалиги пахтакорлари ўн иккинчи беш йилликнинг якунловчи йили экиш мавсумига пухта тараддуд кўрдилар. Хўжаликнинг устахона ишчилари техникани муддатидан илгари мавсумга шай қилиб қўйишди. Жамоа хўжалиги ихтиёридаги 32 та чопиқ трактори, 26 га экиш агрегати, 486 та борона, 7 та чизел ҳамда техниканинг эҳтиёт қисмлари сифатли ремонтдан чиқарилди.

Устахонага, слесарлар ҳузурига механик-ҳайдовчилар келишди. Улар биргаликда мавжуд техникани яна бир бор кўздан кечирдилар. Бажарилган ишга «аъло» баҳо қўйилди. Демак, техника тахтми, иш ҳам кўнгилдагидек кетиши турган гап.

Суратда: механизатор Жўравой Мадаминов, устахона мудири Маъмиржон Эргашев, слесарь Маҳмуджон Комилов.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурати.

ПУДРАТЧИ ОИЛАЛАР

● «Қосонсой» совхози деҳқонлари шаҳарликларнинг Биринчи Май байрам дастурхонига совға тайёрлай бошладилар. Улар шу муддатда эртаки карамнинг дастлабки ҳосилини олишга умид боғлашмоқда. Ҳозир карам кўчатлари плёнка остида гуркираб ривожланмоқда.

Совхозда картошка, пиёз, хашаки лавлаги экишни муддатидан анча илгари бошладилар. Одатда ижарачиларга ажратилган, ёки оилавий пудратчиларга берилган ерларда шундай қилинади. А. Убайдуллаев, А. Тошбоев, Н. Мўминов бошлиқ оилавий коллективлар ўзларига ажратилган майдонларга экилган эртаки сабзавотдан яхши ҳосил олишга умид қилишмоқда.

Етиштирилган сабзавотнинг ҳар бир килограмми ўзининг аниқ истеъмолчисига эга — улар билан шартномалар тузилган, совхоз мутахассислари ўтган йилги қийинчиликлардан сабоқ чиқариб, шундай йўлни танладилар. Ўшанда етиштирилган маҳсулот амалда шериклар йўқлиги туфайли кўпинча нобуд бўлган эди.

Умуман Наманган областида сабзавот, шу жумладан эртаки сабзавот экиш анча кўпайди. Ана шу мақсад учун 4200 гектардан кўпроқ ер ажратилган. Тўрт минг гектар атрофидаги майдонга картошка экилган. Бу эса ташқаридан сабзавот ва картошка ташиб келтирилишига чек қўйиш имконини беради.

(ЎзТАГ).

«БИРЛИК» РАҲБАРЛАРИ НИМАГА ДАЪВАТ ЭТМОҚДАЛАР?

МАЪЛУМКИ, 3 март куни Паркентда рухсат берилмаган митинг бўлиб ўтди. Митинг фожиали оқибатларга олиб келди ва одамлар қурбон бўлди. Тўрт киши, жумладан Паркент райони аҳолисидан уч киши ва бир милиция офицери ҳалок бўлди. Аслида қандай воқеа рўй берди?

Мана шу воқеаларнинг бошланиши, сўзсиз, Бўка районидаги воқеалар айни Бўкадан Паркент районига месхети турклари олиб келиниб, «Кумушкон» пансионатида жойлаштирилганлиги билангина эмас, айни пайтда Паркентдаги митинглар ҳам, Бўкадаги митинглар ҳам айнан бир-бирига ўхшашлиги билан ўзаро боғлиқдир.

Дастлаб шуни таъкидлаш лозимки, Паркент ва Бўка районларидаги аҳвол ташқаридан қараганда анча дуруст кўринсада, ўн йиллар давомида тўпланиб қолган ва бутун республикага хос бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳар иккала районда ҳам мавжуд — бу районларда кўпчилик аҳолининг турмуш даражаси паст, ер етишмайди, маиший қулайликлар йўқ. Айни мана шу муаммолар одамлар норозилигига асосий сабаб бўлди, деб ўйлаймиз.

Мазкур районларнинг раҳбарлари етилган ижтимоий муаммоларни ўз вақтида ҳал этишга зарур даражада эътибор бермаганликларини ва бунинг устига митингга ҳозирлик кўрилаётганлигини билатуриб, тушунтириш ишлари олиб бориш учун райондаги барча фаоллардан фойдаланмаганликларини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Ваҳолонки, шу куни Паркентга келган республика раҳбарлари билан суҳбатда қариялардан бири ана шу ҳақда алам билан гапирди. Бутун умр мана шу районда яшаган қариялар, уруш ва меҳнат ветеранлари етилган воқеалардан четда турган хўжаликлар раҳбарларининг, сайлаб қўйилган фаолларнинг, зиёлиларнинг сусткашлиги тўғрисида ошкора гапирдилар.

Воқеалар бошланишидан бир неча кун илгари «Бирлик» ташкилотининг митингга даъват этувчи варақалари тарқатилганлигини, Тошкент бозорларида, айрим ўқув юртларида паркентликлар районда бўкалик месхети турклари жойлаштирилганлиги учун ҳақоратланганликларини айтиб ўтиш зарур.

Эрталаб Паркентнинг турли жойларида одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб тўпланишиб, район партия комитети томон юра бошладилар. Партия ходимлари олиб борган тушунтириш ишлари ўз самарасини бермади. Одамлар тобора кўпайиб борди. Бундан илгари Бўка районида ҳам худди шунга ўхшаш воқеа юз берган эди. У ерда ҳам одамлар дастлаб 20—30 киши бўлиб, сўнгра бу рақам 100 кишига ва сўнгра 1000 кишига етган эди. Бу ерда муайян кишилар, шу жумладан «Бирлик» вакиллари ижтимоий-иқтисодий муаммоларни, савдо, соғлиқни сақлаш соҳасидаги нуқсонларнигина эмас, шу билан бирга райондан месхети турклари олиб чиқиб кетиш, халқ депутатлари сайлови якунларини бекор қилиш тўғрисидаги қатъий талабни ўртага қўйган эдилар, яъни талаблар сиёсий масалалар билан ниқоясига етган эди. Паркентдаги воқеалар тўғрисида гапирар эканмиз, Бўка районида ўт қўйишлар (48 та уйга ўт қўйилган эди), зўравонликлар рўй берганлигини назарда тутиб, Паркент районига милиция қўшимча кучлари ва ички қўшинлар бўлинмаси олиб кирилганлигини ҳам айтиш лозим.

Милиция кучлари Ўзбекистон ССР Олий Советининг майдонларда ва бошқа очиқ жойларда митингларга ўтказишни тақиқловчи Фармонига биноан митингга тўпланган кишилардан тарқалишни талаб қилганларида ва улар қурол ишлатмай, таёқлардан фойдаланиб оломонни ижроия комитет биносидан четлаштира бошлаганида оломон уларни тошбўрон қилди. Натижада милиционерлар орасида азият чеккан лар бўлди. Шу пайтга келиб рухсат берилмаган митинг қатнашчиларининг сони 5 минг кишига етди. Улар орасида бошқа жойдан, хусусан Бўка районидан келган кишилар анчагина эди.

Воқеаларни назорат қилиб бўлмай қолди. Милиция ва ички қўшинлар солдатлари қурол ишлатдилар. Автомобиллар ва автобуслар, район ички ишлар бўлимининг биноси ёндириб юборилди.

Айни пайтда шуни айтиш керакки, раҳбар органлардан ҳеч ким қурол ишлатишга рухсат бермаган эди.

Отишга буйруқ берилган ёки берилмаганлигини ёҳуд кимдир тошбўрондан чўчиб, қурол тепкисини босиб юборганлигини — буларнинг ҳаммасини нуфузли комиссия диққат билан ўрганиб чиқади. Айбдорлар, лавозимидан қатъи назар, ғоят қаттиқ жазога тортилади. Шу хусусда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг комиссия тузиш ҳақидаги махсус қарори қабул қилинди. Комиссияга СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари, хўжаликларнинг раҳбарлари киритилдилар.

Бироқ мана шу фожиали воқеалар яна бир нарсани: республикадаги вазиятнинг барқарорлашиши, одамларнинг осойишталиги кимларгадир мақбул эмаслигини, бу нарса ўзларини «Бирлик» норасмий ташкилотининг раҳбарлари деб билган айрим кишиларнинг режаларига кирмаганлигини ошкор қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми февраль ойидаёқ илгари айтиб ўтилганидек, республикадаги мураккаб вазиятни ҳисобга олиб, оммавий митинглар ва намойишларни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Паркентдаги митингга чиққан кишиларнинг кўпчилиги эҳтимол бу ҳақда билмаган бўлишлари мумкин. Аммо «Бирлик» ташкилотининг митингда фаол иштирок этган раҳбарлари буни шубҳасиз билар эдилар. Ҳаммага маълум А. Пўлатов Паркентдагина эмас, Бўкада ҳам халқни оммавий бўйсунмасликка, давлат идоралари қарорларини бажармасликка ошкора даъват этди. Бунинг устига А. Пўлатов ва унинг атрофидагилар фактларни ошкора бузиб кўрсатиш йўлига ўтиб олдилар. Улар ўзларининг омма орасидаги нутқларида, тарқатилаётган варақаларда республика раҳбарияти аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида амалга ошираётган чора-тадбирлар сохта ва уйдирма деб, уларга ишонмасликка даъват этмоқдалар.

Аммо фактлар буни рад этади. Ҳозирнинг ўзидаёқ деҳқонларга салкам 160 минг гектар ер ажратиб берилди, пахта етиштиришнинг 1990 йилги плани анча қисқартирилди ва у 1,5 миллион тонна пахта толасини ташкил этади. Пахта якка ҳокимлигини бутунлай тугатишга ҳали анча вақт бор, албатта, бироқ халқимиз учун ғоят муҳим бўлган бошқа экинлар майдонини кенгайтириш йўлидан борилаётганлиги яққол кўриниб турибди.

Бундан ташқари пахтага тўланадиган қўшимча ҳақ кўпайтирилди.

Давлат мактабларда, болалар боғчаларида болаларни бепул овқатлантириш учун ҳам маблағлар ажратди. Бу айниқса қишлоқ жойларда катта мадад бўлмоқда. Ҳомиладор аёллар қўшимча овқатлантириладиган бўлди. Қадрлар сиёсатида, илмий кадрларни тайёрлаш сифатини яхшилашда катта куч-ғайрат сарфланмоқда. Яқинда ёш олимларнинг катта бир гуруҳи мамлакатнинг етакчи илмий марказларига жўнаб кетди. Меҳнаткашларнинг фаровонлигини яхшилаш, экология вазиятини соғломлаштириш, миллатлараро муносабатларни нормаллаштиришга оид бошқа жиддий тадбирлар ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқилмоқда. Буни фақат сўқирлар ёки атайлаб шундай қилмоқчи бўлган кишилар кўрмаслиги мумкин. «Бирлик» раҳбарлари айни шундай қилмоқдалар. Улар ўзларини халқ вакиллари деб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ижобий ишларни камситишга уринмоқдалар, ҳар қандай ютуқларни эса ўзларининг иши деб билмоқдалар.

Нима учун шундай бўлмоқда, деган савол туғилади. Жавоб қидириб узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Улар халқ адолатли тарзда илгари сураётган чинакам ижтимоий-иқтисодий талабларни ниқоб қилиб олиб, барча митингларда, ўзларининг барча варақаларида халқни «Бирлик» раҳбарларини халқ депутатларига кўрсатишга чақирмоқдалар. Уларнинг ҳаракатларини ҳокимиятга интилишдан бошқа ҳеч қандай нарса билан изоҳлаб бўлмайди! Хўш, уларга ҳокимият нима учун керак? «Бирлик» раҳбарлари учун ҳокимият халқ турмушини енгиллаштириш учун керак, деб ўйлайдиганлар хато қиладилар. «Бирлик» буни ўз фаолиятининг бошида, у ва партия, давлат идоралари ўртасида алоқа йўлга қўйила бошлаган пайтда қилиши мумкин эди. Уларга матбуотда, радио, телевиденеда чиқишга имконият берилди, Марказий Комитетда учрашувлар ўтказилди. Уларнинг устави эълон қилинди. Халқ турмушидаги қийинчиликлардан фойдаланилди, баланд-парвоз гаплар айтилиб, одамлар бахт-саодати учун курашчилар ниқоби остида иш юритилди. Фақат бир нарса — амалий иш бўлмади. Айтганча, «Бирлик» раҳбарларининг конкрет ишлари энг гавжум жойларда митинглар ўтказишда ўз ифодасини топмоқда. Ў ерларда яна халқ қисматини енгиллаштириш зарурлиги тўғрисидаги бақириқ-чақириқлар, рўй бераётган воқеалардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилишлар бўлди. Бўкани яна бир бор эсга олайлик. Районга келган республика раҳбарлари тартибсизликларнинг пайини қирқиш учун ниҳоятда шошилинч чоралар кўрдилар. Бу ерга дарҳол «Бирлик» раҳбарлари ҳам етиб келишди. Улар ҳам аланга ичидаги уйларни, тўнтарилган автомашиналарни кўришди. А. Пўлатов ўз нутқида жаҳолатни тўхтатиш ўрнига республика ҳукумати томонидан ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳал этилишига ишонмасликка даъват этди, Олий Совета сайлов натижаларини бекор қилишни, районда «Бирлик» бўлимини тузишни талаб қилди ва ҳаммаёқ ёниб турган пайтда оломонни қўзғади. У ва унинг сафдошлари ўзларини байналмилалчи, деб эълон қилиб, райондан минглаб бошқа миллат кишилари шошилинч тарзда олиб чиқиб кетилишини бепарволик билаб кузатиб турдилар.

Шуни айтиш керакки — гап чинакам халқ ҳаракати сифатида вужудга келган, республика бутун аҳолисининг иродаси ва орзу — ниятларини ифодаловчи «Бирлик»нинг ўзи ҳақида бораётгани йўқ. Гап «Бирлик» шиорлари билан ниқобланиб, ўзининг бутун кучғайратини миллатлараро нифоқни авж олдиришга, бемаъни, ифвогарона миш-мишларни тарқатишга сарфлаётган кимсалар ҳақида бормоқда. «Бирлик» бошида турган, бу норасмий ҳаракатнинг самимий тарафдорис бўлган кишилар ундан четлашганлиги бежиз эмас. Тўғрироғи, улар «Бирлик» ғояларидан эмас, балки ҳозир ўзларини унинг раҳбарлари, деб атаётган кишилардан четлашдилар.

Бугунги кунда уларнинг ифвогарона ҳаракатлари кимга энг кўп маъқул тушмоқда? Бу биринчи навбатда бизнинг чет эллик «дўстларимиз» ва «хайрихоҳларимиз»га маъқул бўлмоқда. Кейинги пайтда улар ҳақда танқидий руҳда гапириш расм бўлмай қолди, бунинг устига айрим журналистларимиз чет эл радиоовозлари эшиттираётган ахборотни холислик намунаси деб эълон қилмоқдалар. Лекин Ўзбекистонда кейинги пайтда содир бўлган воқеаларнинг, республикамиз турмушида рўй бераётган ўзгаришларнинг ёритилиши чет эллик журналистлар туйғуларининг самимийлигига шубҳа билан қарашга мажбур қилмоқда. Самарқанд шаҳрида комендантлик соати жорий этилганмиш, деган рўй-рост сохта ахборотни, босмачилик тарихи ҳақидаги фирибгарликни ва ҳоказоларни эслайлик. Мана энди Бўка, Паркент ва республикамизнинг бир қанча бошқа областларидаги воқеаларни олайлик. Бундай ахборотларни асосий етказиб берувчилар ҳам худди шу «Бирлик» раҳбарларидир. Улар чет эл радиоовозлари ёрдамида республикада ижтимоий тузумни бузишга, халқлар ўртасида ишончсизлик уруғини сочишга, вазиятни барқарорлаштириш юзасидан партия ва совет органлари кўраётган тадбирларга ишончсизлик уйғотишга умид қилмоқдалар.

Партия ва совет идораларининг ходимлари бу кишиларга бундай сиёсатнинг ҳалокатли эканлигини чидам билан тушунтиришга бир неча бор уринишди, уларни қайта қуриш жараёнида, республика олдида турган барча муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этишга даъват қилишди. Лекин буларнинг барчаси уларга керак эмаслиги энди равшан бўлиб қолди. Уларнинг мақсади бошқа. Халқ ташвиши уларни қизиқтирмайди. Улар учун шахсий нафсоннятлари, ғаразли мақсадлари ҳамма нарсадан афзал.

Республика қийин ва мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Унинг олдида кўпгина ҳал этилмаган муаммолар кўндаланг бўлиб турибди ва бу муаммоларни унинг аҳолиси бўлмиш бизлардан бошқа ҳеч ким ҳал этмайди. Бундан кейин қандай яшашимиз бизнинг меҳнатимизга, виждонимизга, бугунги кундаги ҳаётий позициямизга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ҳар биримиз ўз позициямизни аниқ белгилаб олайлик!

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ЖИЗЗАХ. 9 март (ЎзТАГ). Бугун Жиззах область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Давлат сув хўжалиги қурилиши комитетининг раиси бўлиб ишлаган Э. Турсунов Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари, Ю. К. Галкин иккинчи секретарь қилиб сайландилар.

М. Ҳ. Умаров, Ҳ. Аширқулов, Т. Б. Умурзоқов область партия комитетининг секретарлари этиб сайландилар.

Пленум қатнашчилари область партия комитети бюросини сайладилар, бўлим мудирларини тасдиқладилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ГУЛИСТОН. 9 март. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда халқ депутатлари Сирдарё область Советининг сессияси бўлди. Сессияда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Сирдарё область партия комитетининг секретари И. Йўлдошев халқ депутатлари Сирдарё область Советининг раиси этиб сайланди.

Б. Маҳмудов Сирдарё область Совети ижроия комитетининг раиси этиб тасдиқланди.

Сессия ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Қ. Исмонлов иштирок этди.

КПСС XXVIII съезди олдидан: ҳисобот ва сайловга ҳозирлик

● Бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар бошланяпти. Ана шу сиёсий жабҳанинг энг муҳим таркибий қисми — КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездига делегатлар сайлашдан иборат. Партия ҳаётининг энг муҳим, етилган масалаларининг қай даражада ҳал бўлиши кўп жиҳатдан делегатлар составига боғлиқ бўлади. Сайловларни кўпроқ демократиялаштириш умумий мақсаддир. «Совет Ўзбекистони» газетаси мухбири республика Компартияси Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари М. Л. Ельшов ва бўлимнинг ташкилий-устав масалалари сектори мудири Я. М. Михайлов билан делегатлар сайлаш, ёндашувларнинг хилма-хиллиги, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг таклифлари тўғрисида суҳбатлашди.

ДЕЛЕГАТ САЙЛАШ: У ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

МУХБИР: — Делегатлар сайлаш муносабати билан Марказком бўлимида таклифлар ишлаб чиқилдими, концепциялар белгиландими?

Я. МИХАЙЛОВ: — Келинг, олдин коммунистларнинг хоҳиш-истак билдиришини қанчалик демократиялаштиришга эришиш нуқтаи назардан ёндашиб делегатлар сайлаш йўл-йўриқларини ва иккинчидан, ана шу сайлов тартибини муҳокама қилайлик. Шу ўринда масаланинг икки жиҳати бор. Чунки, энг мукаммал вариантлар амалда йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Биз энг қулай вариантни топишимиз керакки, унда муайян шароитимиз ҳам, тажриба ҳам бўлсин.

Нима учун бу ҳақда тўхталишга тўғри келяпти? Шунинг учунки, ҳозиргача бизда район, шаҳар партия конференцияларини ўтказиш учун амалда партия ташкилотларидан делегатларни тўғридан-тўғри сайлаш схемасига риоя қилиб келинди. Хўш, конференциялар ҳам, комитетлар ҳам коммунистларнинг иродасини ифода этадиган органлар сифатида фаолият кўрсатдилар деб айтиш мумкинми? Партия органларининг бюрократлашиши, коммунистлардан узилиб қолиши каби воқеалар фақат ҳозир вакиллик демократиясига асосланилган юқори ташкилотлардагина содир бўлдими? Масалага бундай бир ёклама ёндашиб бўлмайди.

Бу ерда партияда демократиялаштириш жараёнини белгилаб берадиган туб сабаблар борлиги маълум. Бу сабабларга биринчидан, партия оммасининг етуклик даражасини (бу сўзни кенг маънода тушунган ҳолда), иккинчидан, коммунистнинг хатти-ҳаракатини белгилаб берадиган мафкурани, учинчидан ташкилий қурилишни ва партия ички ҳаётини тартибга солиб турадиган принципар ва улардан келиб чиқадиган нормаларни киритиш мумкин. Ҳозирги шароитда партияни ривожлантиришдаги муаммолар ва зиддиятларнинг томирлари, чамаси, ана шуларда.

Я. МИХАЙЛОВ: — Лекин юқорида таъкидланганидек, менга партия округлари бўйича сайловлар демократик сайловлардир, бошқалари эса демократик сайловлар эмас, деб айтиш соддаджиллик билан фикр юритишдек бўлиб туюлади.

М. ЕЛЬШОВ: — Делегатлар сайлаш тўғрисидаги масала шу бугун пайдо бўлгани йўқ. Ўтган йилнинг охирларида концепцияни ишлаб чиқиш бўйича ишчи группаси тузилиб, партия ташкилотларининг фикри ўрганилди, бўлимимизда жуда кўп марта мунозаралар ўтказдик. Ўшандаёқ партия округлари бўйича бир мандатли ёки кўп мандатли сайловлар ҳам ҳисобга олинган барча эҳтимолга яқин вариантлар, шунингдек, КПССнинг амалдаги Устави доирасида демократиялаш йўналишидаги вариантлар ҳам кўриб чиқилган эди. Масалан, ҳисобот-сайловлар жабҳасининг жуда қисқа муддатлари шароитида область партия конференцияларида делегатларни сайлаш варианти мақбул деган тўхтамга келинди.

МУХБИР: — Хўш, нима учун бир мандатли ва кўп мандатли округлар бўйича сайловлар эмас?

М. ЕЛЬШОВ: — В. И. Ленин ҳамма вақт съездга маҳаллий партия ташкилотларининг мутаносиб вакиллиги сифатида қараб келганди. Сайланган делегат бутун область партия ташкилоти коммунистларининг эмас, балки бир мандатли округда фақат ана шу округ коммунистларининг вакили бўлади. Энди масаланинг бошқа жиҳатини олайлик. Коммунист округда тўғридан-тўғри ёки конференция делегатлари орқали бўлак округлардаги сайловларга таъсир ўтказа олмайди. Бошқача айтганда коммунистнинг бутун область партия ташкилотидан съездларга делегацияни сайлашда қатнашиш ҳуқуқи ва имкониятлари маълум даражада чеклаиб қўйилади. Шу сабабли биз кўп мандатли округлар бўйича ва область конференцияларида сайлашнинг икки хил вариантини батафсил ишлаб чиқдик.

Кўп мандатли округлар бўйича сайлов тартиби ҳақида гап бораркан, бу ўринда ҳам район (шаҳар) ва область партия конференцияларининг роли сақланиб қолишини сезиб олиш қийин эмас. Улар шакллантирган рўйхат бўйича кейинчалик барча партия ташкилотларида овоз берилади. Область партия конференцияси зиммасида яна бошланғич ташкилотларда овоз бериш натижасида тўлмай қолган мандатларга қўшимча тарзда делегатлар сайлаш ҳуқуқи ҳам қолади. Демак шу муносабат билан охиригача демократиялаштирилган ва кўп марта ишланган тартибни сақлаб қолиш мақбул бўлмасмикан?

МУХБИР: — «Имкони борича демократиялаштириш тартиби» қандай маънони англатади?

М. ЕЛЬШОВ: — Биз сайловлар бўйича мавжуд тажрибаларга қўйидагиларни қўшишни таклиф қиламиз. Бир ёки бир неча бошланғич партия ташкилотлари тавсия қилган коммунистларгина съездлар делегатлигига сайлаш учун кўриб чиқилади. Бошланғич ташкилотларда номзодлар кўриб чиқилганидан ва шакллантирилганидан сўнг, улар район (шаҳар) ташкилотида умумлаштирилганидан кейин бошланғич ташкилотларда у ёки бу номзодга нисбатан охирги муносабатни билдириш ҳуқуқи сақланиб қолади. Район (шаҳар) ташкилотларида коммунистларнинг ярмидан кўпроқ қисми у ёки бу коммунистга нисбатан қарши фикр билдирган тақдирда ушбу номзод кўриб чиқишдан олиб қолиниши лозим. У шундан кейин партия съездларига делегатлар сайлашда ҳам, партия раҳбар органларини сайлашда ҳам қатнашмайди.

МУХБИР: — Келинг, бошланғич ташкилотдан бошлаб, номзодларни босқичма-босқич танлаш, муҳокама этиш, кўрсатиш механизми ва тартибига батафсил тўхталамиз.

Я. МИХАЙЛОВ: — Биз учинчи вариантда тўхтаб, уни ҳар томонлама муфассал ишлашга киришдик. Аниқ қилиб айтадиган бўлсак, ушбу вариант кейинги кўп мандатли вариант элементлари билан бирга «ишлаб кетади. Амалда таклифлар район ёки шаҳар партия конференцияларига қадар умумлаштирилганидан сўнг бошланғич ташкилотларда кўп мандатли рўйхатдаги коммунистларда гумон туғдирган номзодлар бўйича овоз бериш бошланади.

М. ЕЛЬШОВ: — Учинчи вариант ҳақида гап бораркан, оппонентларда ҳадиксираш пайдо бўлаётганига нималар сабаб бўлаётир? Улар партияни ҳаддан ташқари улуғлаш (бугун кимлардир шундай деб аташни истаяпти) область партия конференцияларида ўз номзодларини сайловдан ўтказиб олишига ёрдам бериши мумкин деб чўчиқмоқдалар. Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, шаҳар ёки район конференциясига қадар коммунистлар ўзлари муносиб эмас, деб ҳисоблаган кишиларни рад этишлари мумкин.

Я. МИХАЙЛОВ: — Самарқанднинг Сиёб район партия комитетини мисол қилиб келтирайлик. Айтгандек, бир мандатли округ бўйича делегатлар сайлаш истаги тўғрисидаги таклиф шу ердан келди. Райком ҳисобида 4830 коммунист бор, улар вакиллик нормасига биноан КПСС XXVIII съездига амалда бир делегат, бизнинг съездимизга эса 10 делегат сайлаши лозим бўлади. Район бошланғич партия ташкилотлари мамлакатнинг олий даражадаги анжуманига 68 нафаргача номзодни, республика съездига эса 143 нафаргача номзодни кўрсатишлари мумкин. Энг камида шунча бўлади. Энди умумий рўйхат бўйича ҳар бир бошланғич ташкилотда уларнинг ҳаммаси овозга қўйилди, деб фараз қилайлик. Бу расмиятчиликка айланиб кетмайдими? Буни қанчалик демократиялашган деб ҳисоблаш мумкин? Буни тартиб нуқтаи назаридан қанчалик даражада амалга оширса бўлади?

Ёки кўп мандатли округлар бўйича иккинчи вариантни олайлик. Айтайлик, 4,5 минг бошланғич ташкилоти бўлган Тошкент область партия ташкилотида ягона рўйхатда Ўзбекистон Компартияси съездига делегатликка 500—800 нафар номзод кўрсатилиши мумкин, уларнинг 400 нафарга яқинини сайлаш керак. Бу катта рўйхатни муҳокама этиш, область партия конференциясида ана шу талабгорларни бир марта бўлсада, гарчи бунга кўп вақт кетса ҳам, эшитишнинг ўзи бир иш. Ҳар бир партия ташкилотида овоз беришни ташкил этиб, кўриб чиқишчи? Бунда ҳар бир талабгор ҳар бир партия ташкилотида ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишга эриша оладими?

МУХБИР: — XXVIII ва XXII съездларга вакилликни эслатинг. Бундан ташқари учинчи вариант бўйича йирик бошланғич ташкилот учун ўз вакилларини съездларга тўғридан-тўғри делегат қилиш ҳуқуқи тўғрисида гапириш жоизми?

Я. МИХАЙЛОВ: — Ўзбекистон Компартияси XXII съездига вакиллик нормаси — 415 нафар партия аъзосидан 1 делегатдир. XXVIII съездга вакиллик нормасини эса КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленуми аниқлаб беради, тахминан эса бу норма 4 минг партия аъзосидан бир делегатни ташкил этади. Шундай қилиб бизда район (шаҳар) партия ташкилотларининг учдан икки қисми КПСС съездига вакиллик нормасига кирмайди. Бинобарин, бир мандатли округлар тузилганида бир округда иккитадан, айрим ҳолларда эса учтадан районни бирлаштиришга мажбур бўламиз. Афзаллик нисбатан йирикроқ партия ташкилоти томонида бўладиган бундай ҳолда коммунистларнинг тенг ҳуқуқлигини қай тариқа аниқ таъминлаш мумкин? Агар округни ташкил этувчи район партия ташкилотларининг сони тахминан тенг бўлса, унда халқ депутатларини сайлаш тажрибаси кўрсатганидек, биз номзодлардан бирортаси ҳам зарур миқдордаги овозни тўплай олмайдиган вазиятга дуч келишимиз мумкин.

> **Съезд делегатлигига номзодларни бошланғич партия ташкилотлари кўрсатадилар. Кам сонли ташкилотларнинг коммунистлари бу имкониятларни район, шаҳар партия комитетлари ўтказадиган қўшма мажлисларда амалга оширадилар. Бунда беллашувни, муқобилликни, номзодларнинг сиёсий ва маънавий фазилатларига ҳолис баҳо беришни таъминлаш зарур. Улар қайта қуриш жараёнида ўзларини ижобий жиҳатдан кўрсатган, ҳамда партия сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол қатнашишга лаёқатли бўлган обрўли партия аъзолари, ишчилар синфининг, деҳқонлар ҳамда зиёлиларнинг муносиб вакиллари бўлиши муҳимдир.**
>
> (КПСС Марказий Комитетининг партия қурилиши ва кадрлар сиёсати масалалари комиссияси КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленуми муҳокамасига тақдим этган «КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш тартиби» лойиҳасидан).

М. ЕЛЬШОВ: — Биз йирик бошланғич ташкилотлар учун шундай ҳуқуқ кафолатланадиган учинчи вариант механизмини ишлаб чиқяпмиз. Айтайлик, ўзига 4 мингдан зиёд коммунистни бирлаштирган Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти учун илгариги йилларда ҳам партия съездларига тегишли вакиллик ҳамиша таъминланиб келинган. Ўйлайманки, бунинг учун зарур шароитларни яратиш қийин эмас.

МУХБИР: — Шунга қарамай, делегатликка номзодлар кўрсатиш тартибининг босқичма-босқич эканлигига тўхталайлик.

Я. МИХАЙЛОВ: — Делегатликка номзодлар кўрсатиш цех партия ташкилотлари ва партия группаларидаги йиғилишлардан бошланади. Айни вақтда бошланғич ташкилотнинг ҳисобот-сайловдан олдин бўлиб ўтадиган партия йиғилишида комиссия сайланиб, у съездлар ва область партия конференциясига делегатликка ҳамда раҳбар партия органлари таркибига номзодлар танлаб олади. Цех партия ташкилотлари ва партия группалари ўз таклифларини берганларидан сўнг комиссия уларни умумлаштиради, номзодларни ўрганади, анкета саволлари тарқатади, суҳбатлар, сўровлар ўтказади, ўз фикрини ҳисобот йиғилишига маълум қилади. Йиғилиш делегатликка номзодлар рўйхатини узил-кесил шакллантирганидан сўнг уни очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилади.

Иккинчи босқич район партия конференциясига делегатлар орасидан энди район миқёсида барча бошланғич партия ташкилотларининг таклифларини кўриб чиқадиган худди шундай бир комиссия тузишдан бошланади. Бу комиссия қай тахлит тузилиши керак? Бошланғич ташкилотларнинг делегатлари бу масалани бирлашган тарзда йиғилиб ҳал қилишлари мумкин. Йирик делегациялар мустақил равишда таклифларини билдиравердилар. Комиссия барча таклифларни умумлаштиради ҳамда ўзларида ҳисобда турмайдиган делегатликка номзодларни ўрганиш бўйича ҳам бошланғич партия ташкилотларида иш олиб боради. Сўнгра конференцияда ўз нуқтаи назарини маълум қилади.

М. ЕЛЬШОВ: — Район комиссияси кўрсатилган номзодларни умумлаштирганидан сўнг у бу маълумотларни матбуот ёки фаоллар орқали барча бошланғич партия ташкилотларига етказишни таъкидламоқчиман. Нима учун шундай қилинади? Конференцияга қадар коммунистлар ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилишлари ва шу фикрда қатъий туриб олишларига, мазкур фикрни конференцияга етказишларига имкон бўлсин учун шундай қилинади. Ёки эътироз туғдирадиган номзодларни рўйхатдан чиқариш учун шундай қилинади.

Я. МИХАЙЛОВ: — Шундай қилиб партия группаси, цех, бошланғич ташкилот, район конференцияси босқичлари ҳақида. Уларда ҳам худди бошланғич ташкилотлардаги каби сўровлар, анкета саволлари тарқатиш ва бошқа тадбирлар ўтказилади. Коммунистларни партия съездларига делегат қилиб сайлаш учун тавсия қилиш ҳақидаги масала район конференциясида яширин ёки очиқ овоз бериш йўли билан ҳал қилинади. Шундан сўнг область миқёсида ҳам область конференцияси делегатлари сафидан худди шундай комиссия тузилиб, бошланғич ташкилотларга маълум қилиш, ўз номзодини олиш, муҳокама қилишлар кабилардан иборат ўша жараён қайтарилади. Ўзил-кесил қарорни область партия конференцияси қабул қилади. Унда вакиллик нормасига мувофиқ Ўзбекистон Компартияси XXII съездига ва КПСС XXVIII съездига делегатлар яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Кўп овоз олган, конференцияда қатнашаётганлар умумий сонининг камида ярим овозини тўплаганлар делегат қилиб сайланган ҳисобланади. Агар сайланган делегатлар сони кам бўлиб чиқса, унда бўш қолган ўрин (мандат)лар учун район (шаҳар) партия конференциялари таклиф этган номзодлар орасидан қайта сайлов ўтказилади. Бундай қилиш учун имкон бўлмаган тақдирда эса, бошланғич партия ташкилотлари таклиф этган номзодлар орасидан қайта сайлов ўтказилади. Сайлаб қўйиладиган партия органларини сайлаш чоғида ҳам худди ана шу тахлитда иш тутиш таклиф этилади. Айни вақтда конференция КПСС ва Ўзбекистон Компартияси раҳбар органларини шакллантириш юзасидан ўз таклифларини беради.

М. ЕЛЬШОВ: — Зеро, область конференциясининг республика Компартияси раҳбар органларини шакллантириш бўйича таклифлари узил-кесил ҳисобланади. КПСС марказий органлари бўйича таклифлар эса Ўзбекистон Компартияси съездида муҳокама қилинади.

МУХБИР: — Биз партия раҳбар органларини сайлаш ҳақида гапирдик. Уларнинг таркибларини сайлаш бутун тартиби ҳам худди делегатлар сайлаш тартиби сингари бўладими ёки бошқачами?

М. ЕЛЬШОВ: — Бизнинг таклифларимизнинг ҳаммаболиги ҳам ана шунда. Партия комитетлари ёки бошқа сайлаб қўйиладиган органлар таркибини сайлаш ҳақида гап кетганида ҳам сайлов схемаси худди шундай бўлади ва уни бемалол қўллайвериш мумкин. Буларнинг ҳаммаси бир жараён тарзида бўлиб ўтади, бошланғич ташкилотдан бошлаб худди ўша талаблар, ўша тартиб қўлланилади.

Райком, шаҳарком, обкомлар ҳамда Марказий Комитет секретарлари ва бюро аъзоларини ҳам делегатлар томонидан муқобил асосларда яширин овоз бериш йўли билан партия комитетлари аъзолари сафидан сайлашни таклиф этиш мумкин. Бунинг икки хил варианти бўлиши мумкин. Биринчи вариантда аввало, секретарлар сайланади, шундан сўнг комитет ва бюро аъзолари сайлаб бўлинади. Иккинчи вариантда партия комитети сайлаб бўлинганидан сўнг секретарлар ва бюро аъзолари конференция делегатлари томонидан ана шу партия комитети таркибидан сайланади.

МУХБИР: — Бошланғич партия ташкилотларида-чи?

М. ЕЛЬШОВ: — Секретарларни йиғилишлар (конференциялар)да тўппа-тўғри яширин овоз бериш йўли билан сайлаш керакми ёки партия комитетлари, партия бюроларининг мажлисларида сайлаш керакми — бу масалани йиғилиш ҳал қилади.

МУХБИР: — Биз партия ташкилотларига бугун муҳокама қилинган ва таклиф этилаётган вариантдан фарқ қиладиган, ўз вариантларини танлаш учун имконият қолдирамизми ёки йўқми?

М. ЕЛЬШОВ: — Ўзбекистон Компартияси XXII съездига делегатлар сайлаш тартиби ўз демократиялилиги жиҳатидан КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш тартибидан кам бўлмаслиги керак. Биз бўлимда ана шундай қатъий нуқтаи назарда турамиз. XXVIII съездга делегатлар сайлаш тартиби эса КПСС Марказий Комитетининг Пленумида тасдиқланади. Ҳозир таклиф этилган лойиҳадан қайси вариантни танлаш ҳуқуқи республика Компартияси ва областлар партия ташкилотларининг ҳукмига ҳавола. Биз бу ҳуқуқни чеклаб қўя олмаймиз. Бизнинг таклиф этаётганларимиз фақат лойиҳа. У ҳам республика Компартияси Марказий Комитетининг пленумидан кейин кучга киради.

МУХБИР: — Номзод кўрсатишнинг бу хилдаги тартиби тасдиқланишини кутсак кечикиб қолмаймизми?

М. ЕЛЬШОВ: — Ҳар қандай ҳолда ҳам сайлаш тартиби қандай бўлишидан қатъи назар асосий иш. Унинг мазмуни бошланғич партия ташкилотларида кечадиган ўша жараёнлар чоғида аён бўлади. Яъни, ҳар қандай тартибдаги сайлов чоғида ҳам асосий масъулият бошланғич партия ташкилотлари коммунистлари зиммасига тушади. Уларнинг делегатликка ёки сайлаб қўйиладиган партия органлари таркибига номзодлар кўрсатишга қанчалик виждонан ва принципиал ёндашишларига боғлиқ бўлади. Шунингдек кейинчалик делегатларнинг ҳам, партия раҳбар органларининг ҳам таркиби шунга боғлиқ бўлади. Шу боис ҳам биз сўзимизнинг бошидаёқ бир ёки бир неча бошланғич партия ташкилотида кўрсатилмаган номзод кўриб чиқилмайди, деб таъкидлаган эдик. Бошланғич партия ташкилотларида кейинчалик ҳам делегатлар корпусини, ҳам барча бўғинлардаги сайлаб қўйиладиган партия органларини ташкил этишга қодир бўлган асосий етакчилар, сиёсий курашчиларни аниқлаш керак (Биз бу борада тавсиялар берганмиз). Бу ҳозирги кунда бошланғич партия ташкилотларида бошланадиган ишнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Я. МИХАЙЛОВ: — КПСС XXVIII съездида қабул қилинадиган қарорлар фақат янги бурилишни белгилаб берадигина эмас, балки маълум маънода партиямизнинг бундан кейинги тақдирини ҳам аниқлаб беради. Албатта, ҳар бир коммунист партия учун чуқур масъулият ҳис этаркан ҳисобот-сайлов компанияси арафасида ана шу ҳақда ва ўзи танлайдиган йўл ҳақида ўйлаши керак. Бинобарин, ҳозир авж олган мунозарада партиямизнинг тақдири ҳақида, ҳатто унинг таназзулга юз тутаётгани ҳақида хилма-хил фикрлар билдирилмоқда. Айнан шунинг учун ҳам биз фақат партия ташкилотининг вакили бўлибгина қолмай партия сиёсати ва амалиётини ривожлантиришга ўз муносиб ҳиссасини қўшадиган коммунистларни сайлашимиз лозим. Бу биринчи даражали аҳамиятга молик вазифадир.

Комиссия мажлиси

СССР Министрлар Советининг фавқулодда вазиятлар давлат комиссиясининг навбатдаги мажлисида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда СССРнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг ўн учинчи беш йилликкка ва 2005 йилгача бўлган истиқболга мўлжалланган давлат дастури лойиҳаси кўриб чиқилиб, асосан маъқулланди.

Жумладан, 1990—1995 йилларда атмосфера ҳавоси энг юқори даражада доимий булғанаётган регионларнинг шаҳарлари ва аҳоли пунктларида атроф табиий муҳитини соғломлаштиришга оид энг зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, мамлакатнинг барча сув ҳавзаларига ювинди сувларни оқизишни 2000 йилгача тўхтатиш, сув ҳавзаларининг ҳолатини соғломлаштириш юзасидан кенг миқёсли ишларни ўтказиш, ерларни, ўрмонларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, ер остини ва минерал ресурсларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланишга оид тадбирлар мажмуини амалга ошириш белгиланмоқда.

Дастурда СССРнинг ер озон қатламини сақлаш, иқлим салбий ўзгаришларининг олдини олиш каби йирик экология муаммоларини ҳал этишдаги иштироки кўзда тутилмоқда. Дастур лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилади.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг 1988 йил 19 сентябрь қарори қандай бажарилаётганлигини назорат қилиш тартибида Орол денгизи атрофидаги экология ва санитария вазиятини тубдан яхшилашга, унинг ҳавзасидаги сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ва шу ресурсларнинг муҳофаза этилишини кучайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ўрта Осиё иттифоқдош республикалари ва Қозоғистон Министрлар Советлари, СССР Сув хўжалиги қурилиши министрлиги регионнинг бир қанча асосий муаммоларини ҳал этмаганликларига уларнинг эътибори жалб қилинди. Натижада Оролбўйидаги санитария-эпидемиология ва экология вазияти кескинлигича қолмоқда.

Комиссия тегишли иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Сув хўжалиги қурилиши министрлигига, СССР Геология министрлигига ичимлик сув таъминоти бир қанча йирик объектларини биринчи галда қуришни таъминлашни, мавжуд ер ости сувлари запасларидан фойдаланишни кенгайтиришни, идишларга солинган ичимлик сувни аҳолига етказиб беришни жадаллаштиришни топширди. Региондаги атроф-муҳитнинг ҳолатини ва одамларнинг сиҳат-саломатлигини яхшилашга қаратилган бошқа тадбирлар мажмуи белгиланди.

Региондаги экология муаммоларини март ойида жойнинг ўзига бориб, қўшимча равишда кўриб чиқишга қарор қилинди.

СССР Медицина саноати министрлиги, СССР Химия ва нефтни қайта ишлаш саноати министрлиги ва агрохимия масъул комиссиясининг медицина саноати корхоналарини дори-дармон ишлаб чиқариш учун хом ашё билан таъминлаш юзасидан берган топшириқларини қандай бажараётганликлари тўғрисида уларнинг докладлари тинглади.

Комиссиянинг мажлисида СССР Министрлар Советининг Раисининг ўринбосари В. Х. Догужиев раислик қилди.

(ТАСС).

ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ

● «Туямуюнгидрострой» бошқармаси меҳнатчиларининг 24 оиласи одатдагидан яхшироқ режа билан қурилган уйдаги квартираларнинг калитларини олишди.

Уйнинг одатдан ташқари яна бир томони шундаки, ундаги барча квартиралар бир йўла телефонлаштирилган. Янги уйнинг хоналари пухта ўйлаб жойлаштирилган, кенг йўлак ва айвони ҳам бор. «Туямуюнстрой» бошқармасининг 2-қурилиш-монтаж бошқармасига қарашли Йўлдош Қурёзов ва Яраш Сафаров бошлиқ комплекс-механизациялаштирилган бригадалари навқирон шаҳардаги тўрт қаватли бу уйни муддатидан икки ой илгари аъло сифат билан топширди.

Гидроқувурчилар шаҳрида ўн иккинчи беш йиллик мобайнида бир неча ўн минг квадрат метр уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу вақт ичида ҳар уч оиладан бири янги уйларга кўчиб ўтди. Декабрь ойига бориб, қурувчилар яна учта кўп қаватли уйни эгаларига топширадилар.

(ЎзТАГ).

● *Кенг истеъмол маҳсулотлари—халққа*

ПОЙАБЗАЛ СИФАТЛИ БЎЛАДИ

Косонсой пойабзал фабрикаси ишчилари тайёрланган дастлабки 9 минг жуфт болалар пойабзалини савдо шоҳобчаларига жўнатишди.

Корхона асосан болалар пойабзали ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда. Қисқа муддат ичида серунум дастгоҳлар ўрнатилди. Ишлаб чиқариш линияларидаги жараёнлар турли хил фасондаги пойабзал тайёрлашга кўчирилди. Мамлакатимиз ва хорижий эллар корхоналарида тайёрланган дастгоҳлар ўрнатилиб, ишга туширилди. Натижада корхона қуввати ошиб бормоқда. Лойиҳа қувватига эришилгач, бу ерда йилига 800 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқарилади.

Корхонада 450 киши меҳнат қилади. Уларнинг турмуш шароитини яхшилашга эътибор кучайтирилмоқда. Фабрика ёнида 190 ўринли болалар боғчаси қурилди. Ҳар бири 24 хонадан иборат бўлган ўй-жой фойдаланишга топширилди. Район марказида қурилган бу уйларда ҳовли тўйлари ўтказилди. Яна 10 та коттеж, 24 хонали уй ва болалар муассаси қурилиши кўзда тутилган. Корхонанинг уй-жой программаси муваффақиятли ҳал этилиши учун имкониятлар изланаётир. Чунки, корхонада яқин келажакда 600 киши ишлайди.

Бу суратлар корхона ишчи-хизматчилар ҳаётидан олинган. Моҳира Дадажонова мусобақа пешқадами. У кунлик топшириқларини знёдаси билан адо этмоқда. Югославияда тайёрланган дастгоҳда ишлашни моҳирлик билан эгаллади. (Юқоридаги сурат).

Еш мутахассислар Раҳим ва Маҳбуба Отамирзаева уч хонали уйда ўз ҳамкасбларини кутиб олишди. Янги уй уларга маъқул бўлди. Раҳим фабриканинг марказий ремонт устахонаси бошлиғи, унинг рафиқаси эса тиббий бўлимда ҳамшира бўлиб ишлайди.

Корхона цехларида иш бир зум тинмайди. (3 сурат).

А. КОВТУН суратлари. (ЎзТАГ).

ҲАММАГА ИШ БОР

● Оқдарё районида анча иш ўринлари пайдо бўлди. «Меҳнат» фабрикасининг янги бўлимларида 250 нафар колхозчи аёллар тикувчилик касбини эгаллашди.

«Бобур» ва «Кумушкент» совхозларида эса муаммони бошқача ҳал қилдилар. — Хўжаликларни сабзавот, мева, полиз экинлари етиштиришга ўтказдилар. Бу иш билан 1600 оилавий звено шуғулланмоқда. Ўз транспорт ташкилотлари — 2531-автоколоннанинг бўлими ҳам пайдо бўлди.

Район саноат комбинати ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган иккита заводда тез орада янги иш ўринлари пайдо бўлади. Районда маҳаллий Советлар ишлаб чиққан «Иш билан банд этиш» программаси таркибига қишлоқ хўжалиги ва саноат, шу жумладан қайта ишловчи саноат ҳам киради.

(ЎзТАГ).

САФСАТАБОЗЛИКДАН КИМГА ФОЙДА?

БИР МИТИНГ ҲАҚИДА СЎНГГИ СЎЗ

Барчага маълумки, регионлараро депутатлар группаси, Москванинг расмий ва норасмий ҳаракатлари 25 февралда ҳаммани митингларга ва намойишларга чиқишга таклиф этдилар. Уларнинг мақсади халқ депутатлигига илғор номзодларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек ҳукуматдан сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги боши берк кўчадан чиқиш йўлларини излаш учун норасмий ҳаракатлар билан «думалоқ стол» атрофида учрашишга муқобил одим танлашни талаб этиш эди.

Яна шуниси ҳам маълумки, оломон оломондир. Жамият турмушидан ташвишга тушган демократлар ортидан кўчалар ва майдонларга жиноятчилар, кафандўзлар ва экстремистлар ҳам чиққанликларини неча бор кўрдик. Қуруқ сафсатадан иборат баҳс ва мунозаралар оқибатида бегуноҳ одамларнинг қони тўкилди.

Бунга мамлакат бўйича кўпдан-кўп мисоллар келтириш мумкин. Бизнинг жумҳуриятимиз ҳам бундай фожиаларнинг ўтли нуқтаси бўлганлигини биламиз. Ўзбекистондаги барча миллат кишиларининг дарди ва алами ичида. Фарғона водийсидаги ва Тошкент областидаги фожиали воқеалар, уларнинг барча ижтимоий моҳиятидан қатъи назар, у миллатлараро низо сифатида портлади.

Шу муносабат билан СССР Олий Совети ва КПСС Марказий Комитетининг, ижодий союзлар, таниқли жамоат арбоблари ва кўплаб ташкилотларнинг ташвишга тушганлиги тушунарлидир. Улар 25 февралга мўлжалланган митингларнинг кўнгилсиз оқибатлари бўлиши мумкинлигидан огоҳлантирдилар. Барча миллатга мансуб кишилар республика ҳукуматининг кўчаларда ва майдонларда рухсат этилмаган ва оқибатини олдиндан айтиш қийин бўлган намойишларни ҳамда юришларни чеклаш бўйича кўрган чора-тадбирларини тўғри тушундилар ва кенг қўллаб-қувватладилар. Дарвоқе, бундай чора-тадбирлар бошқа республикаларда ҳам амалга оширилди. Лекин митинглар бўлди. Чунки, яқинда мамлакат парламентида айтилганидек, улар «жамиятнинг юқори ҳароратда эканлигидан» далолат берарди.

Мамлакат матбуоти 25 февралдаги митинглар ҳамма жойда нормал ўтганлигидан шаҳодат берди. Бунда уларнинг ур-йиқитларсиз ўтганлиги кўзда тутилмоқда.

Ўша кунги митингбозлик демократияси амалийлик касб этдими? Яъни, унинг шиорларини, ўтган даврни ва ҳис-ҳаяжонларни тарозининг бир палласига, иккинчисига эса митингбозлик жўш урган паллада барча муаммоларимизни ҳал қилишни қўйсак, у нималар берди?

Бу саволга бир овоздан, йўқ, деб жавоб бериш мумкин!

Ҳақоратлар, ёлғон-яшиқ гаплар, воқеаларни нотўғри талқин этиш ҳамда қизғин нутқлардаги мисолларнинг исботсизлиги, митинг ташкилотчиларининг шахсий нафсониятлари ва шубҳали қарсаклар билан одамлар галини тўхтатишни чинакам демократия деб бўлмайди. Эҳтиросларнинг ўтида куйиб-пишиб коммунистлар, совет ходимларининг исм-шарифларини бирма-бир келтириб, уларни чалпиш, оёқ депсиниб ва залда шовқин-сурон кўтариб, бошқа фикрдаги кишиларнинг сўзларини эшитмаслик демократик плюрализмга яхши кўрсаткич бўла олмайди. Чунки митингдан кўзланган мақсад долзарб ва олижаноб бўлиб, думалоқ стол атрофида мулоқот қилиш эди. Ниҳоят, шубҳали тарихий мисолларни рўкач қилиб, суҳандозлик билан шуғулланиш тарих ҳақиқатини қарор топтириш йўли эмас.

Афсўски, буларнинг ҳаммаси 25 февралда Тошкентда норасмий бирлашмалар ўтказган митингда бўлди. Митингда эълон қилинган мақсадлар олижаноб бўлиб, демократик кучларни қайта қуришни қўллаб-қувватлаш учун жипслаштириш, жумҳурият маъмурлари, партия раҳнамолари билан амалий мулоқот олиб боришнинг дастурини ишлаб чиқиш керак эди.

Митингга тўпланган «Бирлик», «Интерсоюз» ва «Демократик иттифоқ» вакиллари мазкур муаммоларни ўзларича ҳал этишга киришдилар. Бошқа ҳаракатларнинг аъзолари, шу жумладан Ешлар иттифоқи, шунингдек яқинда ташкил этилган «Эрк»нинг ва бошқа кўплаб норасмий ҳаракатларнинг намояндалари митингда сўзга чиқмадилар. Албатта, таъбир жоиз бўлса, бу бизнинг муаммоимиз эмас. Норасмий бирлашмаларнинг қайси вакиллари сўзга чиқади, уларнинг иши. Айни пайтда кўпгина норасмий ҳаракатларнинг аъзолари Тошкент областидаги айрим районларда таҳликали вазият бўлганлиги учун митингга келмадилар, мазкур ташвишли вазият бу пайтда митингбозлик эҳтиросларини билан қўшилиб кетмаслиги керак, деган мулоҳазаларга борганликлари тўғрисида фикрлар ҳам бор. Бундай позиция ҳурматга лойиқ.

Лекин митинг бўлиб ўтди. Унинг ўз мақсадларини қандай рўёбга чиқаргانлиги эса биз учун бефарқ эмас. Чунки «Билимлар уйи»да сўзга чиққан ҳар икки-уч кишининг бири ўзини КПСС аъзоси эканлигини таъкидлади.

Хўш, амалда гап нима ҳақида борди?

Бу ерда кўпроқ республикамизда ўтган сайловдан қониқиш ҳосил қилинмаганлиги тўғрисида сўз юритилди. Барча нутқлар асосан норасмий ҳаракатлар вакилларининг, улар фикрича, Советларда ўз одамлари камлиги атрофида юрди.

Ўтган сайловларда демократия битта қалам, тўғриғоғи шарикли авторучка ёрдамида ғалаба қозонди. Бу нарса кўзда тутилган эди. Негаки, қалам билан хоҳлаган одамингизни қолдириб, истамаган кишингизни ўчириб ташлаш қийин эмас эди.

Бу сайловларни демократиялаштириш барча муаммоларни ҳал этди, деб айтиш қийин. Қонун бузилди ва улар ошкора айтилиб, тўғриланди. Эҳтимол, митингнинг унга баҳо беришга ҳаққи бордир. Лекин у аниқ ва конкрет мисоллар ёрдамидагина баҳо бериши керак эди.

Митингда эса бундай бўлмади. «Бирлик»нинг ҳамраиси З. Ҳақназаров митингни очиб, норасмий ҳаракатларнинг Москвада қабул қилинган мурожаатномасини ўқиб берди. Унда 25 февралда электр чироқларини ўчириш ва уйларда шам ёқиш тавсия этилган эди. Шундан сўнг у асосий доклад қилиш учун сўзни ўз ҳамкасби — ҳамраис Ш. Исматуллаевга берди. Шуҳрат ака Зоҳид акага митингнинг мақсадларини айтиб ўтганлиги учун миннатдорчилик билдирди-да, ўзининг батафсил нутқини ўтган сайловларга бағишлади. Нотиқ бу сайловни алдоқчилик деб атаб, сиёсатимизнинг негизи бўлиб қолганлигини таъкидлади.

Нотиқ наҳотки шунчаларга борса? Республика партия ва ҳукумати билан мулоқот ўрнатиш мақсадида йиғилиб, республика партия ташкилотининг одамларнинг ночор аҳволидан, уй-жойлар ва озиқ-овқат етишмаслигидан, касалхоналар ва мактаблар камлигидан, меҳнатчиларимизнинг оддий кун кечириш даражаси таъминланмаганлигидан, ишсизликдан, экологик аҳволдан, Орол ва Оролбўйидаги фалокатдан қайғураётганлиги ақалли эслаб ҳам ўтилмаганлигини нима дейиш мумкин? Жамиятнинг соғлом кучларини жипслаштиришга эришиш — шундан иборатми?

Умуман олганда одамлар норасмий ҳаракатнинг намояндалари эмас, балки Марказий Комитет ва ҳукумат раҳбарлари мана шу муаммоларни Совет ҳукумати, КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми олдига қўйганлигини кўриб турибдилар. Бу масалалар ҳал этилмоқда.

Кейинги пайтларда пахта якказироатчилигига барҳам берилди. Пахтанинг ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ғазаблантириш ва қиздириш таҳқирлашнинг ўзгинаси бўлди: «Бугун биздан ўч олишяпти. Биз рақибларимизни мағлуб этишимиз ҳамда ер юзида ҳақиқий авлиё кишиларнинг давлатини қуришимиз лозим».

Бутун куррада ҳақиқий авлиё кишилар давлатини барпо этиш деганда нимани тушуниш мумкин? Жаҳон коммунизми эмасмикан? Йўқ, бундай бўлмаса керак. Нафсонят устунлик қилиб турган лўттибозлик табиий равишда хом хаёл даъватларга айланиб кетади. Бинобарин, улардан бири бундай хом хаёлликдан — «рақибни мағлуб этиш»дан анча узоқда эди.

Митинг кучларни бирлаштиришга бағишландими ёки «рақиб»ни қидириб топишгами? Йиғин аввалидаёқ шундай фикр билдирилди: «Мамлакатимиз бошидан кечираётган оғир тангликдан биз зўравонлик ёки ажралиш йўли билан эмас, балки жамики демократик кучларни бирлаштириш ҳамда ҳокимият вакиллари билан амалий мулоқот олиб боришдан иборат тинч йўл орқали чиқишни таклиф этамиз».

«Бирлик» раҳбарларидан бири саналган Абдураҳим Пўлатов ҳам митингни мана шундай ўзанга йўналтиргани йўқ. У қайта қуришнинг соғлом кучларини бирлаштиришга оғиздагина тарафдор эканлиги маълум бўлиб қолди. А. Пўлатов маҳкамачиларни «фош этаркан», «Баъзи ўртоқларимизнинг гапларига қараганда, биз ўтказган митинглар ва намойишлардан кейин маҳкамачилар ўз хоналарида ўтириб шоколад билан коньяк ичишади-да, нутқларимизни кўздан кечиришади», деган сўзлардан бўлак бирон-бир ишончлироқ гап айта олмади. Бу асоссиз даъво митинг руҳига жуда мос эди. Бўкадаги ўт қўйишлар муносабати билан унинг киноясидан ақли расо кишиларнинг энсаси қотишини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак.

Ҳаммага маълум воқеалар рўй берган пайтда Бўка районни марказига республика ва область раҳбарлари етиб боришди. Исталган бўкаликдан сўраб кўринг, у сизга худди шунинг учун ҳам оқибати хунук тугаши мумкин бўлган воқеаларнинг олди олинганлигини айтади. Бироқ митингда сўзга чиқувчининг фикрига қараганда, «бунинг ўрнига Бўкага кўпроқ ўт ўчириш машиналарини юбориш керак» экан. Бу ерда келиб чиққан миллатлараро низо тасодифий ҳол, деб ҳисоблайди у. Бошқа нарса эса тасодиф эмас: «Можаронинг асосий сабаби сайлов кампанияси жараёнининг ўзидир, унинг натижалари халқнинг ғазабини қўзғатиб юборди» деган хулосага нима дейсиз?

Айтайлик, балки шундай дир: Бўка халқи сайлов натижаларидан норозидир, демак, бизнинг (яъни йигирма миллион кишининг) орамизда энг онгли экан. Ў ҳолда зудлик билан қўшни районга кўчириб кетилган месхети турклари сайловларда «халқ»қа нима жабр қилдилар? Паркентда бўлиб ўтган кейинги қонли воқеалар ҳам сайловларда йўл қўйилган нуқсонларга қарши норозилик аломатими?

А. Пўлатов ўз эътиқодида қанчалик самимий эканлиги виждонига ҳавола. У бу масалада қай даражада бохабарлигини аниқ айтиш қийин. Ахир, А. Пўлатов биз кейинчалик юмшоқроқ қилиб «қайноқ» дея таърифлашга одатланган нуқталарда бир зумдаёқ ҳозиру нозир бўлади-да. Ўша ерларда республика партия ва ҳукумат раҳбарларининг сўзларига учмасликка даъват этар экан, ўйлаймизки, ўзи «Бирлик»нинг ҳаракат дастурига зид иш қиляпти. Маълумки, мазкур программа Ўзбекистонда яшаб турган ҳамма миллатларни дўстликка ва равнақ топишга ундайди.

У ҳақиқатни қай даражада виждон билан излаётганини ҳар ким ўз ақлу фаросатига қараб пайқаб олаверади. А. Пўлатов митингда сўзлаганида исботловчи далиллар келтиргани йўқ. Фақат «Мен буни ҳамиша исботлаб бера оламан», дейиш билан чекланди. Синалган усул.

СССР халқ депутати В. Золотухин митинг кун тартибида қандайдир бурилиш ясашга уриниб кўрди. У сайловлардан, унинг иккинчи босқичидан ташқари тангликдан чиқишнинг яна бир йўли борлигини, бу маъмурлар билан давра суҳбати ўтказиш эканлигини эслатди. Ҳозирги пайтда бизни нима ажратиб турганлигини эмас, балки мос келадиган умумий нуқтаи назарни излашимиз керак. Олдимизда турган вазифа бирлашишдан ҳамда демократия учун биргаликда куч-ғайрат сарфлаб курашишдан иборат, деди у.

Ана шундай истакдан сўнг митинг ўз вазифаларини ҳал этиш йўлини тутдими?

Назаримизда, шундай бўлмади. Аксинча, нотиқлик санъатидан кибрланиш сезилиб турди. Кимдир тўпланганларни Европадаги воқеалардан хабардор этди, Росфабрикалар ва заводларнинг филиаллари бунёд этилади. Ниҳоят, республикада давлат мақомини олган миллий тилга, Ўзбекистондаги барча халқларнинг маданиятига, урф-одатлари ва анъаналарига эътибор кучайтирилмоқда.

Мазкур муаммоларнинг кўпи «Бирлик»нинг дастурида тантанавор равишда эълон қилинган. Бироқ амалда уларни республиканинг ҳозирги раҳбарияти рўёбга чиқармоқда. Митингда асосий маърузачи — «Бирлик» ҳамраиси булар ҳақида лом-мим демаганлигини қандай тушуниш керак? У эса «Бирлик»дан жумҳурият халқ депутатлигига қўйилган номзодларнинг баъзилари тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан сайланмай қолганлигини ҳеч қандай исботсиз далил сифатида келтирди.

Митингдаги маърузачининг мантиғига кўра агар ҳисобкитоб қилинадиган бўлинса, унда номзоди қўйилган КПСС аъзоларининг ҳаммаси ҳам депутатликка ўта олмаганлигини нима дейиш мумкин? Лекин шу муносабат билан республика Компартияси сайлов натижаларини шубҳа остига олмаяпти-ку? «Бирлик» ҳамраиси эса сайлов натижаларини бекор қилишни талаб қилиб чиқди. Митинг бу талабни ўз резолюциясига киритди. Митинг қилаётган демократлар онгида демократиянинг соғлом кучларини жипслаштириш деб шуни тушуниладими ёки ҳокимиятга ёриб кириш интилиши борми?

Барча норасмий ҳаракатларнинг оддий аъзолари қайта қуришга ёрдам беряпмиз, деб ишонишларига шубҳа йўқ. Уларнинг айримлари кўпинча бақириқ-чақириқларни яратувчилик иши деб ҳисоблайдилар. Улар бундан бошқа йўл йўқ, деб чин дилдан ишонадилар. Мазкур ҳаракатларнинг муайян кучлари ҳам борки, улар — КПСС аъзоларими ёки аъзо эмасларми, бундан қатъи назар, ўзларининг шахсий мақсадларини кўзлаб очиқдан-очиқ иш юритмоқдалар.

«Интерсоюз» вакилларининг митингдаги нутқларига қараб баҳо берадиган бўлсак, улар бу борада «Бирлик»дан фарқ қилмайдилар.

«Интерсоюз» ижроия комитети аъзоси М. Гребенюк исломдан ва ўз динидан калималар келтириб, қарсакларни тўхтатди. Ёзувчи ва шоир номоз билан тонгги ибодатдан сўнг, фурсатни ўтказмай, комсомол ва партияда эллик йил бўлганлигини, ниҳоят уни ҳам республика Олий Советига номзодликка қўйганларини, бироқ орзусига етолмаганлигини айтиб нолиди.

У «бизнинг бошқа номзодларимиз, яъни «Интерсоюз» номзодлари — Чирков, Подпоренко ва яна номаълум бошқа киши» ҳам муваффақиятсизликка учради, деди. Битта номзод учун коллектив чув тушди, бошқа номзодга қарши унга рақобатга қўйилган номзод фойдаси учун «аппаратчилар юзта бюллетенни қутига ташладилар», «Интерсоюз»нинг номаълум вакили эса умуман партия йўли билан қаттиқ ҳайфсан олиб, ишдан қувилибди.

Биз «қутига ташланган бюллетенлар» тўғрисида билмаймиз. Бу масала митингларда эмас, балки сайлов комиссияларида ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида текширилиши лозим. Қарсаклар ва оломон шовқин-сурони остида шахсий муддоаларни ҳал этишга уриниш ёнғин ўчоғини авиация керосини билан ўчириш истаги каби жамиятда демократик кучларни жипслаштиришга ўхшашлигига ишончимиз комил.

Худога сиғингандан кейин митингчиларни ғазаблантириш ва қиздириш таҳқирлашнинг ўзгинаси бўлди: «Бугун биздан ўч олишяпти. Биз рақибларимизни мағлуб этишимиз ҳамда ер юзида ҳақиқий авлиё кишиларнинг давлатини қуришимиз лозим».

Бутун куррада ҳақиқий авлиё кишилар давлатини барпо этиш деганда нимани тушуниш мумкин? Жаҳон коммунизми эмасмикан? Йўқ, бундай бўлмаса керак. Нафсонят устунлик қилиб турган лўттибозлик табиий равишда хом хаёл даъватларга айланиб кетади. Бинобарин, улардан бири бундай хом хаёлликдан — «рақибни мағлуб этиш»дан анча узоқда эди.

Унда нима қилиш керак?

Мана сизга митинг йўли билан «бирлашиш»...

Бу ерда баъзилар қарсаклар остида «Бирлик»ни сиёсий партия деб эълон қилишни талаб этдилар, митинг жазавасида бу ҳаракатда кўплаб коммунистлар ҳам борлигини, бирорта сиёсий партия, шу жумладан КПСС ҳам икки партияга мансубликка йўл қўймаслигини хаёлларига ҳам келтирмадилар.

Ниҳоят, кимдир митинглар ҳар куни ўтказдиришни ёқлаб чиқди, тўпланганларни ўзининг ана шундай кашфиётидан баҳраманд этишга уринди. Бироқ митинглар билан одамларнинг қорнини тўйдириш, уларни маънавий қадриятлар билан бойитиш, Оролни сақлаб қолиш, шаҳар ва қишлоқларимиз устини қоплаб турган экологик қатламни тарқатиб юбориш мумкин эмаслигини унутиб қўйгани аниқ.

Шундан сўнг Озарбайжон ва Ўзбекистонда ҳалок бўлганлар ҳақидаги шеърлар ўқилди, Бокудаги аҳвол хусусида Болтиқбўйи газеталаридан кўчирмалар тилга олинди. Сайлов кампаниясини қайтадан бошлаш таклиф этилди. Нефть ва газ саноати министрлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари И. Бўриев ҳаммага маълум бўлган ўз таржимаи ҳолини гапириб берди, аммо бироз бошқачароқ талқин қилди. У ўзига ажратилган вақтнинг деярли ҳаммасини тўпланганларни ҳушёрликка чақиришга бағишлади.

Унинг сўзларини бўлиб қўйишди, митингда зерикиш бошланди. Дадахон Ҳасанов сўз олганидан кейин яна жонланиш рўй берди. У Фарғона водийсининг уч области номидан гапиришга ваколати борлигини айтди. Митинглар ўтказиш учун юқори минбарлар ва В. И. Ленин номидаги майдонни талаб этиш ваколатли нотиқнинг энг муҳим накази бўлди. Акс ҳолда сариқ чақага ҳам арзимайдиган кўпдан-кўп фармонлар чиқяпти, агар Тошкентнинг марказий майдони берилмаса, бу ҳақда у норасмий ҳаракатдаги сафдошлари, шунингдек деҳқонлар онгига етказиш имконига эга эмаслигини айтди. Митинглар ана шу майдонда ўтказилса, ҳамма эшитар экан.

Буларнинг ҳаммаси гулдурос қарсаклар остида янгради. Бу ҳам бутун митинг хусусиятини яққол тарзда кўрсатиб турарди. Амалий йўл-йўриқ қани? Демократик кучларни бирлаштириш-чи? Мулоқот олиб бориш ва давра суҳбати ўтказиш учун ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш-чи? Буларнинг ҳаммаси унутиб қўйилди! Ақл ва ҳис-туйғулар дабдабали сўзларга тобе бўлиб қолди. Ана шундай «тадбирлар» билан кўпдан буён сохта обрў орттириш авжига чиқяпти. У Тошкентда туғилган эмас, аммо шу ерда ўзига росмана қароргоҳ топди.

«Бирлик» нега рўйхатга олинмади? Марказий Комитет айбдор. Нима учун «Пахтакор» ёмон ўйнаяпти? Мустақиллик зарур, шунда у жаҳонда биринчи командага айланади.

Халқ тақдиридан ташвиш чекаётган, тангликдан чиқиш йўлини кўрсатиб беришга қодир «демократлар» митинги шундай даражада ўтиши керакми?

Республиканинг иқтисодий мустақиллиги ҳақида биринчи бўлиб унинг Компартияси гап очди-ку. Мамлакатимиз учун жуда қийин иқтисодий шароитда, кўпдан-кўп масалаларни Ўзбекистон ҳукумати ҳал этмоқда. Бунинг учун озмунча маблағ керакми? Ана шу муаммолар митингчи сўзамолларга озиқ берувчи муҳит бўлиб қолмоқда. Шундай қилиш инсофданми?

«Минбардаги даҳанаки жанг» митингни уюштирувчиларга ҳам ноқулай туюлгандир. Бошқарувчи нотиқнинг сўзини бўлди. Бироқ демократик нутқбоз белгиланган тартибга бўйсунгиси келмасди. Энди бошладим, сўзимни бўлманг, бизда демократия! — деди у.

Яна давом этди: «Мен Туркистонни қайта тиклашни талаб қиламан! Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон, Қозоғистон бирлашсинлар, бу Туркистон бўлади!»

Қўшиқчига шубҳали «таблаблар» қўйишга уч область эмас, балки бутун Ўрта Осиё республикалари ваколат беришганга ўхшарди. Тўғри, у Тожикистонни тилга олмади. Ё ўша жумҳуриятдан ваколат олмаган, ё бўлмаса Ўрта Осиёда қанча республика борлиги эсидан чиқиб қолган. Балки Тожикистон хусусида ўзининг баъзи чуқур қарашлари бордир.

Нотиқ йўл-йўлакай бир қатор муаммоларни ҳам ҳал этиб ташлади. Унинг гапига қараганда, асли туркистонлик бўлиб ҳозир хорижда яшаётганлар аждодлар тупроғига қайтишлари керак экан. Дадахонга маълум бўлишича, «эндиликда улар Ватанни соғинишаётган» эмиш. Айни пайтда Гитлер ювиндихўри, «чет элда биз учун курашаётган» Боймирза Ҳайитни ўзлари билан бирга олиб келишлари шарт экан.

Нотиқнинг фикрлаш қамрови шу қадар кенг, ҳамма нарсадан бохабар эди-ки, худди шу ерда, митингнинг ўзида Ўзбекистоннинг мунтазам армиясини тузиш, руслардан қўйилган республика раҳбарларини алмаштириш, Бухоро амирлиги тарихини қайта кўриб чиқиш, яна кўпдан-кўп таклифларни қалаштириб ташлади. Чамаси, бу муаммоларни ҳал этишга «демократлар» кучи етмаслигини билди шекилли, қўшиқчи бу ишда худонинг мададкор бўлишини таъкидлади. Фақат қўшиқ айтмади. Митинглар Катта майдонда ўтадиган бўлганидан кейин ашула айтишга ваъда берди.

Бошқарувчи митинг мавзуи демократия, бирлашиш, конструктив мулоқот йўлини излаш эканлигини эслатиб ўтишга мажбур бўлди. Март ойида бутун республика бўйлаб умумий митинг ўтказилади, ўшанда биз ўз ижтимоий ва сиёсий масалаларимизни ўртага қўямиз, деди.

Яна ҳар ким ўз дардини айтиб нола қилаверади. Республика Олий Советига кимдир сайланмай қолганидан афсусланишди. Биз бугунги кунда шармандаларча унутиб юборган Турон сингари гуллаб-яшнаган ва очиқ давлатга яқинлашсак, чакки бўлмас эди, дейишди.

Бирлашиш ва мулоқот йўли қандай бўлди?

«Демократик иттифоқ» вакили Людмила Петрановская маъмурлар билан ҳеч қандай давра суҳбати ўтказмасликни талаб қилди. Ҳукуматни алмаштириш керак эмиш. Акс ҳолда Ўрта Осиё регионида миллатлараро эҳтиросларнинг авж оладиган майдонга айланиб қолади, кескинлик кучайиши керак бўладиган бир пайтда у тўп еми вазифасини ўтайди. Низолар рўй берса, биз ҳам ишга киришамиз. Сизу бизга қўли қон бўлган ҳукумат билан музокара олиб боришни таклиф этишяпти. Демократлар ичида ҳозирча бирлик йўқ экан, давра суҳбатига ўтиришдан маъно нима, биз ўз шартларимизни ўтказа олмаймиз-ку? — деди. Шундан сўнг жамоалар, миллий иноқлик, террористик тузум ва империя ҳақида англаш қийин бўлган фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ниҳоят, митинг ташкилотчилари «қозоқ йигити» деб таништиришган Иброҳим Жуманов «Интерсоюз» вакилларига «аниқ талаблар қўйди» — республиканинг рус раҳбарларидан бирини лавозимидан олиш, «бу ўзбек халқида русларни олиб ташлаш керак деган фикр туғилмаслиги» учун шундай қилиш ҳақида қарор чиқариш лозимлигини айтди.

Г. Баҳромов «ишдан олиш» муаммолари бўйича фикр юритди. У «ҳозирги ҳукуматга умуман ишончсизлик билдириш»ни қатъиян талаб этди. Д. Абдураимов яна Бирлашган Туркистон масаласини тилга олди. Сўнгра мустақил Шарқ ҳақида гап очдилар.

Шаҳар партия ходимлари чўчиброқ сўзладилар. Улар асосан ишда коньяк ва қаҳва ичмасликларини исботлашга ҳаракат қилишди. Залда ғала-ғовур бошланиб кетди. Марказий сайлов комиссиясининг раиси Т. Собитов сўзлаётганида ҳам шовқин тўхтагани йўқ. Митингчилар «адолатсиз сайловлар» ҳақида шунча кўп гапиришганига қарамай вазиятни моҳият эътибори билан аниқлашга уриниб ҳам кўрмадилар, балки Марказий сайлов комиссияси раҳбари ваколат доирасига кирмайдиган саволларни ҳам қалаштириб ташлашди. Аппарат имтиёзлари барҳам топганидан кейин «Бирлик» рўйхатга олинадими? — деб сўрашди.

«Демократларнинг» шовқин-сурони ва тўс-тўполони остида «Тошкент халқини сўйил ишлатиб» сайловларга ҳайдаб боришгани, «кўп болали оналар Марказий Комитет биносига яқинлашганларида уларни сўйил билан савалашгани» ҳақидаги савол-хулосалар авжига минди.

Яна «аппарат» шахсларини муҳокама қилишлар, яна бўлиб ўтган сайловлардан норозиликлар... Бўкада республика раҳбарлари эмас, балки «Бирлик» вакиллари тартиб ўрнатишганини камтарона эслатиб қўйишди. «Бизнинг бугунги митингимиз жуда чиройли ўтди» дея мақтанишдан ор қилишмади. Пировардида иккита таклиф янграб эшитилди: демократик кучлар бирлашишлари керак, ҳукумат билан мулоқот ўтказиш ҳамда «қандайдир масалаларни, хусусан демократик ҳукумат тузиш масаласи»ни ҳал этиш лозим!

Бундай митингдан қандай таассурот қолади? Унинг резолюциясини қисқача эслайлик — сиёсий, иқтисодий ва миллатлараро таназзулдан келишувлар йўли билан эмас, балки жумҳуриятнинг демократик кучларини бирлаштириш ва раҳбарият билан «Давра суҳбати» шаклида амалий мулоқот олиб бориш йўли билан чиқиш, бўлиб ўтган сайловлар натижаларини бекор қилиш, яқин вақт ичида Конституция доирасида барча ҳаракатларни рўйхатга олиш, Ўзбекистон ССР Конституциясининг 3 ва 6-моддаларини (партиянинг раҳбарлик роли ва демократик централизм ҳақидаги) бекор қилиш.

Принцип жиҳатидан олганда буларнинг ҳаммасини қабул қилса бўлади. Тошкентда ўтказилган митинг ўз резолюцияси бандларини «биринчи ўқишдаёқ» қабул қилгани йўқ — буларнинг ҳаммаси СССР Олий Совети ва КПСС Марказий Комитети Пленумига қадар муҳокама қилинган. Митингда қабул қилинган резолюция «тўғри» муҳокамаларга қарши янгиликларга тўла эмас. Сайловлар якунларини бекор қилиш ҳақидаги масалага келсак, аслида бу митинглар ҳал қиладиган вазифа эмас.

Гап бошқа ёқда. Резолюция «аппарат»нинг эскича анъанаси бўйича тайёрланган, унда илгаридан кўпгина муаммолар, жумладан, митинг қарсаклар остида бақириб-чақириб айтган нозик муаммолар ҳам акс этмаган. Акс ҳолда Туркистонни ташкил этиш, Боймирза Ҳайитга таъзим қилиш, Демократик иттифоқ дастури асосида ҳокимият билан келишув ҳақидаги «қарорларни» ҳам унга қўшишга тўғри келарди.

Аммо беманигарчилик митингда қатнашган қизиққон кишиларни ҳовуридан туширмади.

Фақат митингдан олинган сабоқ қолди. Унинг якуни ана шундай.

Бизнинг дунёга янги келган хилма-хил сиёсий қарашларимиз ҳали оёқларида зўрға турибди. «Демократлар» ҳозирча тўлқинда бўлиниб сузишяпти, уларни фақат умумий норозилик кучи ниқтаб турибди. Уларда фақатгина сиёсий тажриба эмас, балки оддий сиёсий маданият ҳам йўқ. Унда партиянинг ўз муқобил ҳаракатларига берилган эркинликдан КПССга, умумий хонадонимиздаги хотиржамликка зарарли тарзда, шахсий нафсониятларни қондириш учун — пировардида ҳокимият учун курашда фойдаланилади.

Ҳокимият учун ҳамма вақт курашиб келинган. Аммо маданияти юксалган жамиятда бу ахлоқсизликка ча бориб етадиган «ҳар қандай йўллар билан» қилинмайди. Ҳар ҳолда: сен ўзинг бу ҳокимиятга ва унинг халқига нима берасан, деган савол бизни қийнамоги керак. «Бундай бўлмаслиги керак, мен буни хоҳламайман», деб вайсақилик билан ҳамма нарсани инкор этишдан олдин «Хўш, мен ўзим нима бераман?» деган саволни ҳам қалбимизда у билан ёнма-ён чоғиштиришимиз даркор. Ҳокимиятга, халққа, болалар ва хотин-қизларга, Бўкага ва Оролга нима бера оламан, деган саволни ҳам қўйиш лозим.

Тошкентда ўтказилган митингда қатнашган демократлар бу борада нималар қила оладилар ва нима қилишга тайёрлар? Буни ҳатто уларнинг ўзлари ҳам хаёлларига келтиришмаган. Ҳа, Фарғона, Боку, Душанбе, Паркент — булар дардчил жамиятнинг яраларидир. Ҳозирча уларни коммунистлар ва ҳукумат «аппаратчилари» даволашмоқда. Ҳамма вақт ҳам моҳирлик билан ва қонун паноҳида ҳал қила олишаётгани йўқ, албатта. Бироқ ҳамиша боши берк кўчадан чиқиш йўлини топишга сабот билан интилиб, даволашмоқда. Шунингдек, улар халқ кулфатларининг — ишсизликдан то социал ҳимояланганликкача бўлган барча яраларни ҳам даволашмоқда.

Бизнинг митингимиз эса ҳамон аллақачоноқ очилган яраларни «очиш» билан машғул. Узоққа бориб ўтиришнинг ҳожати йўқ. У кескинликни юмшатмайди. Аксинча фактларни бузиб кўрсатиш, уқувсизлиги, тарихий шапқўрлиги, эҳтиросларнинг жумбушга келиши билан ва ҳеч ҳожати бўлмаган жойда қарсаклар билан бундай кескинликни кучайтиради.

Оммавий равишда кўчалар ва майдонларга чиқишга даъват этар эканмиз, биз ана шулардан хулосалар, ҳар биримиз шахсий сабоқлар чиқариб оламизми?

Ҳозирча эса бу митингдан кейин бўлиб ўтган рухсат этилмаган намойишдан сўнг Паркент ўт ичида қолди...

Айнан ана шу митингдан сўнг Оққўрғон ва Алимкентда вазият барқарорлигига путур етди.

Ниҳоят, шу митингдан сўнг «Бирлик» етакчилари русларга қарши тарғиботни очиқчасига юргиза бошладилар.

Барча даражадаги норасмийлар, албатта, бундан бўён ҳам 25 февралда бўлган ўша митингда ўз кучларини бириктирганликларини таъкидлайверишлари мумкин.

Аммо мазкур митинг руҳини ва халқ орасида юрган нотинчликни ўша «Бирлик»нинг ҳали яна амалга оширилиадиган тадбирларидан келиб чиқадиган билиб бўлмас воқеалар билан таққослайдиган барча соғлом фикрли кишилар учун шу нарса аёнки, мазкур митингда миллатчилик йўналишини иккинчи ўринга олиб чиқишга уринилди, учинчи демократик бўлмаган кучларнинг ўзига хос кўриги ўтказилиб, уларнинг тактикаси ишлаб чиқилди.

«Демократлар томонидан» қўзғатилган кишиларга ўз келиб чиқиши билан ёқмаётган барча одамларни республикадан ташқарига «босқичма-босқич қувиб чиқаришга» даъват этувчи яширин варақаларда бундай тактика амалга ҳам оширилмоқда.

Кимнидир бегона қон ҳиди сархуш қилмоқда.

Давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари барча жангариларни қуролсизлантириш, жамиятни экстремистик гуруҳлар ва уларни руҳлантирувчилардан, оммавий тартибсизликлар ҳамда қирғинларнинг ташкилотчиларидан, миллатчилик, шовинизм, ирқчилик ва диний мутаассибликни тарғиб этувчилардан тозалаш вақти келганлигига ишонч ҳосил қилгунига қадар яна қанча қон тўкиларкин?

Ҳозирча эса қилмишлари учун жазосиз қолиш ҳоллари митингбозлик хуружига ҳам, қурбонлар келтираётган бош-бошдоқликларга ҳам йўл бермоқда.

Дунё овози

● БЕРЛИН

Бу ерда Германия Демократик Республикаси халқ палатасининг сессияси очилди. Ҳозирги таркибдаги парламент аъзоларининг ёз икки кунлик учрашуви 18 мартга белгиланган сайлов арафасидаги сўнгги учрашувдир. Мамлакат давлат ҳокимияти олий органининг кун тартибига 16 та қонун лойиҳасини ва бошқа қонун ҳужжатларини муҳокама қилиш киритилган.

Халқ палатаси касаба союзлари тўғрисидаги қонунни кўпчилик овоз билан тасдиқлади. ГДР конституциясига ўзгартишлар киритилди, унга мувофиқ касаба союзлари энди меҳнаткашларнинг партиядан ташқари мустақил бирлашмалари ҳисобланадилар. Касаба союзлари меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга тайёр ва қодирдирлар.

● ПРАГА

ЧССР Федерал мажлиси президиуми 1990 йилнинг 8 ва 9 июнь кунлари ЧССР Федерал мажлисига сайлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Чехияда халқ палатасининг 101 депутати ва Словакияда халқ палатасининг 49 депутати сайланиши белгилаб қўйилди.

Бу сайлов биринчи марта ЧССР олий қонун чиқарувчи органи яқинда қабул қилган сайлов тўғрисидаги янги қонунга мувофиқ ўтказилади.

● ВАШИНГТОН

Бу ерда АҚШ президенти Жорж Буш ва Вашингтонга расмий ташриф буюрган Италия Бош министри Жулио Андреотти билан учрашув бўлди. Маъмуриятнинг юқори мансабли вакили музокаралардан сўнг суҳбат асосан Европа муаммоларига, АҚШнинг Европа билан ҳамда Европа иқтисодий ҳамжамияти билан ўзаро муносабатларига тааллуқли бўлганлигини айтди.

Германияни бирлаштириш муаммоси учрашувнинг асосий мавзуларидан бири бўлди. «Бош министр ва президент, — деди бу ерда давлат секретарининг Европа ва Канада ишлари бўйича ёрдамчиси Рэймонд Сайтц, — чегаралар тўғрисидаги масалани

АХБОРОТ

ХАЙРИЯ ОШХОНАЛАРИ

● **Намангандаги иккита ошхона эндиликда хайрия ошхоналари деб аталадиган бўлди. Бу ошхоналарда оддий хўрандаларга хизмат қилишдан ташқари, қариялар, кам таъминланган одамларга бепул тушликлар ҳам ташкил этилади.**

Дастлабки вақтларда нархи бир сўм турадиган тушлик таомлар кунига бир марта уюштирилади. Ошхонага келишга қурби етмайдиганларга овқат уларнинг уйига етказиб берилади.

Область партия комитети, халқ депутатлари область Совети хайрия ошхоналарини ташкил этишда ташаббус билан чиқдилар. Шаҳар корхоналари ва ташкилотлари ана шу меҳр-мурувват ҳаракатини пул билан таъминлашга киришдилар. Дастлабки маълумотларга қараганда, бу иш учун ҳар йили 200—220 минг сўм пул керак бўлади.

ҲАРБИЙЛАР МУРУВВАТИ

● **Фарғона гарнизони қўмондонлиги Офицерлар клуби биносининг бир қисмини болаларга совға қилишга қарор берди. Энди бу ерда область пионерлар саройи очилади. У шу вақтга қадар эски ва мослаштирилган бинода ишлаб келаётган эди.**

Фарғона область ижроия комитети бинони ремонт қилиш, тўгарак ишлари ва спорт секциялари, шунингдек компьютер клуби машғулотлар ўтказиши учун унинг ёнида қўшимча бинолар қуриб беришни ўз зиммасига олди.

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

● **Ўзбекистон районидаги пахта заводининг пенсияга чиқаётган барча ишчиларига эндиликда бир йўла беш юз сўм миқдорида нафақа берилади. Ишчилар меҳнат таътилига чиқаётганларида эса ойлик маошларининг 30 фоизи миқдорида улар даволаниши учун пул берилади.**

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳамда маҳсулот сифатининг яхшиланиши билан ижтимоий муаммоларни ҳал этишда бурилиш қилишга муваффақ бўлинди. Ўтган йили корхона пландан ташқари бир миллион сўмдан ортиқ фойда олди. Бу маблағларнинг катта қисми ишчиларнинг эҳтиёжини қондиришга сарфланади.

Энг аввало кам таъминланган пенсионерлар ва болага қараш учун таътилга чиққан ходималарга эътибор беришди. Завод уларнинг ҳаммасига ҳар ойда қўшимча нафақа тўлайди. Ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётганларни ҳам унутишмади. Эндиликда 90 кишидан иборат ишчиларнинг ҳаммаси бепул овқатланмоқда. Шу мақсадлар учун пландан ташқари олинган фойдадан 8 минг сўм сарфланди.

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик. Бу пурмаъно мақол пахта заводида яна бир бор тасдиқланди. Унинг меҳнаткашлари Фарғона областида биринчи бўлиб экиш мавсумига чигит уруғлигини тайёрлаб қўйдилар. Истеъмолчиларга тола жўнатиш буюртмалари ҳам аниқ бажарилмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

Аҳоли мамнун

Андижон вилоятининг Ленинск шаҳри аҳолиси биноқорлардан мамнун. Улар қисқа муддат ичида янги шифохона биносини қуриб, фойдаланишга топширдилар. Республика Қурилиш министрлигининг 162-трестига қарашли 10-кўчма механизациялашган колоннаси бунёдкорлари шу объектда ишлашди.

Шифохонада бўлсангиз, бу ерга келувчилар учун яратилган қулайликларни кўриб кўзингиз қувнайди. Киройи шифохона бўлибди, деб кўнглингиздан ўтказасиз. Иш куни мобайнида бир йўла бу ерга 380 киши қатнаши мумкин. Шу ернинг ўзида дорихона, аптека бўлими мавжуд. Ўн ўринли кундузги бўлим очилганлиги, айниқса, қувонарлидир. Даволанувчилар шу ернинг ўзида зарур муолажаларни олишади.

Шифохона шифокорлари ва ҳамширалари ўз иш кунларини янги жадвалга асосан тузиб чиқишди. Бу ерда меҳнат ветеранларини қабул қилиш йўлга қўйилди.

Суратларда: (юқорида, ўнгда) врач-терапевт Саломатхон Эргашева беморни қабул қилмоқда; физиотерапия бўлими ҳамшираси Диля Милушевани кўпчилик жуда ҳурмат қилади. У 30 йиллик иш тажрибасига эга. Пастдаги суратда эса шифохона биноси акс эттирилган.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

• Эл соғлиғи—юрт бойлиги

«РАҲМИНГИЗ КЕЛСИН...»

Газетхон илтимосига кўра

Муродулла Сафаровнинг мунгли кўзларидан аччиқ ёш томчилаяпти. Абгор бўлган гавдасига, оппоқ сочларига назар ташласангиз уни эндигина 53 ёшга қадам қўйган деб ўйламайсиз. Ҳа, ноқақликлар оқибатида бошига тушган ғам-алам, ташвиш уни навқирон ёшидаёқ кексайтириб қўйди.

Каттақўрғон шаҳар, Матросов кўчасидаги 26-ҳовлида Муродулла ака бошлиқ ўн тўққиз нафар жон бир амаллаб кун кечирмоқда. Осмон олис, ер қаттиқ, нима ҳам қилишсин? Орзу-ҳавас учун қилинадиган сарф-харажатлар ва рисоладагидек уст-бош хусусида сўз очмай ҳам қўя қолайлик. «Бир қушга ҳам дон керак, ҳам сув», — деб бежиз айтмаганлар-ку!

— Яхшиямки, рафиқам Қаҳрамон она, давлат томонидан унга бериладиган нафақа ҳисобига бир амаллаб кун кечириб келмоқдамиз,— деди биз билан суҳбатда М. Сафаров.

Муродулла ака кўпгина ҳунарларни пухта ўрганиб олган меҳнаткаш инсон. Бола-чақам, деб елиб-югуради, тиним билмайди. Лекин, афсуски, қайси жойда ишламасин, ҳамиша ҳам омади юришавермайди. Сут заводида ўз вазифасини яхшигина адо этиб келаётган эди, штат қисқариб кетиб, «паттаси»ни қўлига тутқазишди. 1985—1987 йилларда Каттақўрғон умумий овқатланиш трестида ҳар хил вазифаларда ишлади. Ўз аризасига кўра у ердан бўшаган эди, трест раҳбарлари турли-туман важ-корсонлар кўрсатиб, вақтида ҳисоб-китоб қилишмади. М. Сафаров Каттақўрғон шаҳар прокуратураси ёрдамида ўз ҳақини ундириб олди.

Бу ҳужжатга Н. Маматенкодан кейин Каттақўрғон нон комбинати касаба союз комитети раиси Н. Эргашев ҳам қўл қўйган.

Хуллас, М. Сафаров раис бўлган «Ширмой нон» кооперативи қизғин иш бошлаб юборди. Унга маҳсулотлар (керагича бўлмасада!) етказиб бериб турилди. Мана, қўлимизда Каттақўрғон дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Н. Маматенко ва бош бухгалтери К. Соколова ўртоқлар 1989 йил 1 ноябрда имзо чеккан справка. Унда «Ширмой нон» кооперативига 1989 йилнинг май ойида 12400 килограмм ун, 50 килограмм хамиртуруш, 75 килограмм кунжут, июнда 21890 килограмм ун, сентябрда 4975 килограмм ун, 35 килограмм ўсимлик ёғи, 30 килограмм хамиртуруш, 500 килограмм туз, 25 килограмм кунжут, 15 тонна кўмир, октябрда эса 21000 тонна (**бу рақам ишончли эмас. У. Ю.**) ун берилди деб кўрсатилган.

Афсуски, ўртоқ Н. Маматенко «Ширмой нон» кооперативи аъзоларига кўрсатаётган бундай муруввати изчил давом эттирмади. Оқибатда М. Сафаров бошлиқ новвойлар кўпинча ишсиз қолиб кетишди. Бу норозиликлар чиқишига олиб келди.

Коммунист М. Сафаров Каттақўрғон шаҳар партия ва совет ташкилотларига ёрдам сўраб қайта-қайта мурожаат этди. Бизга хат ёзди. Шуларнинг натижаси бўлса керак, кўп ойлик танаффусдан кейин шу йил 22 январь куни «Ширмой нон» кооперативига 3 тонна ун берилди. Нон фақат ундан тайёрланмайди-ку! Кўмир ва бошқа нарсалар қачон берилади?! Ун эскириб қолиб, яроқсиз бўлиб қолса, бунинг учун ким жавоб беради?! Яна М. Сафаровми?!

— Оилам билан жуда қийналиб кетдим, — деди суҳбатимиз охирида у.— Раҳмингиз келсин. Бизга шафқат қилмаётган Каттақўрғон шаҳридаги раҳбар ўртоқлар ҳақида газета орқали икки оғиз бўлса ҳам фикр билдиринглар, зора ўзларини ўнглаб олишса.

Биз бу мақолани ёзиш билан газетхон М. Сафаровнинг илтимосини амалга оширдик...

У. ЮСУПОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТВ · ҲАФТАЛИК · ПРОГРАММА

12 март, душанба

УзТВ-I. 11.30 Телефильм. 11.40 «Орзуларимиз қанотида». Бадиий фильм. 12.55 СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари III-съезднинг очилиши. 17.30 Телефильм. 18.05 Мультфильм. 18.20 Волейбол. СССР чемпионати. 19.00 Фан — ишлаб чиқаришга. 19.30 Ахборот. 19.50 Ешлик. 20.30 Ахборот. 20.50 концерт. 21.30 Время. 22.00 Кўчат экинг — боғ қилинг. 22.15 «Тошлоқда ҳам дарахт ўсади». Бадиий фильм. 1-серия. 23.25 Янгиликлар.

УзТВ-II. 19.05 Касблар ҳақида ҳикоялар. 19.35 «Гайдуклар». Бадиий фильм. 21.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. **ФРУНЗЕ.** 21.30 Время. 22.00 «Элет кундалиги». 23.05 «Ошкор қилинмасин». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Омадли аёллар». Бадиий фильм. 2-серия. 10.20 Футбол шарҳи. 10.50 Фильм-концерт. 11.15 «Донолик ўлчови». Спектакль. 12.50 Концерт. 12.55 СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари III-съезднинг очилиши. 15.30 Болалар рассомлари қаерда бўлади? 16.15 Фильм-концерт. 17.10 Болалар соати. 18.10 «Ҳайқириқ». 18.55 Коллаж. 19.00 Время. 19.30 ГДР телевидениеси. 20.05 Футбол шарҳи. 20.35 «Чолиқуши». Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 Время. 22.00 Адабий-бадиий видеоканал. 24.00 ТСН.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильмлар. 9.35 ва 10.35 Тарих. 10.05 Итальян тили. 11.05 СССР Олий Совети сессиясида. 12.05 Ер — она масканимиз. 12.10 Киноконцерт. 12.55 СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари III-съезднинг очилиши. 15.30 Телефильмлар. 16.50 Ҳужжатли фильм. 17.35 Коллаж. 17.40 Концерт. 18.30 Спидвей. Жаҳон чемпионати. 19.00 Время. 19.30 Концерт. 19.45 Ҳужжатли фильмлар. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.50 Ригадан кўрсатилади. 21.20 Ашхоболдан кўрсатилади. 22.00 Футбол. СССР чемпионати. 23.30 «Биз биргамиз, ойижон». Бадиий фильм.

13 март, сешанба

УзТВ-I. 17.30 Телефильм. 17.45 Мультфильм. 17.55 Ўзбек тилини ўрганамиз. 18.30 Мисрда дўстона учрашувлар. 19.30 Ахборот. 19.50 Покланиш йўлидан. 20.20 Мультфильм. 20.30 Ахборот. 20.50 «Райҳон» ансамбли ижро этади. 21.30 Время. 22.00 «Тошлоқда ҳам дарахт ўсади». Бадиий фильм. 2-серия. 23.10 Янгиликлар.

УзТВ-II. 19.05 Регби. «Звезда» (Тошкент) — СССР терма командаси. 19.45 «Алп йигитни ўйлантирдилар». Бадиий фильм. 20.50 «Тошкент» студияси кўрсатади. **ДУШАНБЕ.** 21.30 Время. 22.00 КПСС XXVIII ва Тожикистон Компартиясининг XXI съездлари олдидан.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.00 «Омадли аёллар». Бадиий фильм. 3-серия. 10.15 Футбол. СССР чемпионати. 11.55 Болалар соати. 12.55 Коллаж. 13.00 Время. 13.30 Бу бўлган... бўлганди. 13.50 Ҳайвонот оламида. 14.50 Мультфильм. 16.35 Ҳужжатли фильм. 17.00 Концерт. 17.20 Социализм муаммолари. 18.05 Хор ҳамда биз. 18.50 Мультфильм. 19.00 Время. 19.30 Ешлар хабарномаси. 20.10 Ҳужжатли фильм. 20.30 «Чолиқуши». Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 Время. 22.20 Ҳужжатли фильм. 23.15 Рус мухожири тақдири ҳақида. 00.15 ТСН.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильмлар. 9.35 ва 10.35 Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. 10.05 ва 11.05 Француз тили. 11.35 Биология. 11.55 Билимдонлар учун машқ. 12.40 Концерт. 12.55 «Биз биргамиз, ойижон». Бадиий фильм. 14.05 ва 17.30 Гимнастика. 14.35 Телефильмлар. 15.50 Шмига учрашувга таклиф этади. 18.00 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 19.00 Время. 19.30 СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари III-съездида.

14 март, чоршанба

УзТВ-I. 11.30 Математика. 12.00 Телефильм. 12.30 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 13.00 Қўғирчоқ театр. 17.30 Телефильм. 18.05 Мультфильм. 18.20 Одоб ва иффат ҳақида. 18.50 Ўлкамизни боғ-роғларга айлантирайлик. 19.30 Ахборот. 19.50 Тилга эътибор. 20.30 Ахборот. 20.50 Кирди кўклам кўнглима. 21.30 Время. 22.00 Долзарб мавзу. 22.20 Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари. 23.35 Янгиликлар.

УзТВ-II. 19.05 Телефильмлар. 19.35 «Жанговар машина экипажи». Бадиий фильм. 20.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. **ФРУНЗЕ.** 21.30 Время. 22.00 «Бир умр мобайнида». Бадиий фильм. 23.10 Ҳужжатли фильмлар.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Омадли аёллар». Бадиий фильм. 2-серия. 10.20 Чашмалар. 10.50 Мультфильм. 11.00 Ешлар хабарномаси. 11.40 Дунё бўйлаб. 12.40 Шеърият лаҳзалари. 12.45 Камалак. 13.00 Время. 13.30 «Мастер ва Маргарита». Фильм-спектакль. 16.45 Концерт. 17.35 Болалар соати. 18.35 «Урал оқшоми». 18.55 Коллаж. 19.00 Время. 19.30 Бос-қичлар. 20.40 «Чолиқуши». Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 Время. 22.00 «Крейцер сонатаси». Бадиий фильм. 1 ва 2-серия. 00.35 ТСН.

МТ-II. 17.30 Ленинграддан кўрсатилади. 18.00 Фильм-концерт. 18.30 «Гинтер ва бошқалар». 19.00 Время. 19.30 СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари III-съездида.

15 март, пайшанба

УзТВ-I. 11.30 Зоология. 12.00 Телефильм. 12.30 Электрокимёвий жараёнлар. 13.00 «Гайдуклар». Бадиий фильм. 17.30 Эстетика асослари. 18.05 Мультфильм. 18.20 Ҳўжасизликка барҳам берайлик. 18.50 «Наврўз» тараддуди. 19.30 Ахборот. 19.50 Алифбо сабоқлари. 20.20 Манзарали фильм. 20.30 Ахборот. 20.50 «Тановар» ансамбли ижро этади. 21.30 Время. 22.00 «Олмазор». Бадиий фильм. 23.30 Янгиликлар.

УзТВ-II. 19.00 Концерт. 19.25 Телефильм. 20.20 Реклама. 20.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. 21.30 **ФРУНЗЕ.**

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Омадли аёллар». Бадиий фильм. 5-серия. 10.15 С. Орехов чалади. 10.35 Рус мухожири тақдири ҳақида. 11.35 Мультфильм. 11.55 Болалар соати. 12.55 Коллаж. 13.00 Қўшиққа бахшида умр. 14.10 Ҳужжатли фильм. 16.35 Умрга ҳамроҳ қўшиқ. 17.00 Ҳужжатли фильм. 17.55 Концерт. 18.30 ТелеЭКО. 19.00 Время. 19.30 ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 20.15 Концерт. 20.45 «Чолиқуши». Бадиий фильм. 4-серия. 21.30 Время. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 Телевизион танишув. 23.20 П. И. Чайковскийнинг барча симфониялари. 00.25 ТСН.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильмлар. 9.35 ва 10.35 Умумий биология. 10.05 ва 11.05 Испан тили. 11.35 ва 12.35 Биология. 12.05 Финляндия телевидениесининг кўрсатуви. 13.00 Киноафиша. 14.00 Ритмик гимнастика. 14.45 Телефильм. 15.50 Адабий театр. 17.30 Концерт. 18.00 Ҳужжатли фильм. 18.45 Парнас сари бир босқич. 19.00 Время. 19.30 Информацион программа. Танаффусда — Хайрли тун, кичкинтойлар!

16 март, жума

УзТВ-I. 11.30 Жамиятшунослик. 12.00 Телефильм. 12.30 Табиатшунослик. 13.00 «Жанговар машина экипажи». Бадиий фильм. 17.30 Рус тили сабоқлари. 18.05 Мультфильм. 18.20 «Ешлик». 18.50 «Санъат олами». 20.30 Ахборот. 20.50 Ўзбек куйларидан концерт. 21.20 ЎзССР Ички ишлар министрлигининг матбуот маркази хабар қилади. 21.30 Время. 22.00 Одобнома. 22.15 Бир асар тарихи. «Обид кетмон». 23.25 Янгиликлар.

УзТВ-II. 19.05 Телефильм. 20.00 Диққат стартга! 20.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. 21.30 **ДУШАНБЕ.**

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.00 «Крейцер сонатаси». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 11.35 Цирк. 12.10 ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 12.55 Коллаж. 13.00 Время. 13.30 МТ хазинасидан. 16.35 Ҳужжатли фильм. 17.00 Илмий хабарнома. 17.45 Мультфильм. 17.55 Мусиқий программа. 18.30 Ҳужжатли фильм. 18.55 Коллаж. 19.00 Время. 19.30 Ҳокимият — Советларга. 20.00 Катталар учун мультфильм. 20.05 Сизга қўшиқ куйлаб бераман. 20.35 «Чолиқуши». Бадиий фильм. 5-серия. 21.30 Время. 22.00 Ву бўлган... бўлганди... 22.20 «Нигоҳ».

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Мусиқа. 10.05 ва 11.05 Инглиз тили. 11.35 ва 12.40 Табиатшунослик. 11.55 Илмий хабарнома. 13.00 Хоккей. 14.20 Ҳужжатли фильм. 14.50 Грозний шаҳридан кўрсатилади. 15.20 «Денгиз заҳматкашлари». Бадиий фильм, 3-серия. 17.25 Ирландиянинг миллий байрамига. 19.00 Время. 19.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффусда — Хайрли тун, кичкинтойлар!

17 март, шанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Табиат ва биз. 11.00 Ешлик. 11.50 «Ой бориб омон қайт». Бадиий фильм. 13.10 «Сеҳрли сўз». Спектакль. 14.20 Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти? 18.05 Мультфильм. 18.15 Тенгдошлар. 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 Ахборот. 19.45 Оламга саёҳат. 20.30 Ҳафтанома. 21.15 Оқшом эртаклари. 21.30 Время. 22.00 Жумҳурият агросаноат комплекси ходимларининг қурултойи. Қурултой қатнашчилари учун концерт.

УзТВ-II. Душанбе. 9.00 Савтукалом. 9.55 Кинопрограмма. 10.55 Фильм-концерт. 11.55 «Она айиқ» операциясининг барбод бўлиши». Бадиий фильм. 17.40 Лабиринт. 18.20 Мультфильм. 18.40 Ешлар ва қайта қуриш. 19.00 Новости. 19.20 Мерос. 20.00 Ахбор. 20.20 Концерт. 21.30 Время. 22.00 «Она айиқ» операциясининг барбод бўлиши». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Онам, дадам ва мен. 9.35 Ўй академияси. 10.05 Йил фасллари. 11.05 «Дон Кихот». Бадиий фильм. 12.40 Партнёр. 13.10 «Запас вариант». Бадиий фильм. 14.35 Мультфильм. 14.55 Мўъжизасиз мўъжизалар. 15.55 Голиблар. 16.55 Ер — она масканимиз. 17.00 Концерт. 17.25 Сиёсий суҳбатлар. 17.55 Камалак. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Мультфильмлар. 19.30 Ти-Би-Эс телевидениеси кечаси. 21.30 Время. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 Телескоп. 22.35 Ти-Би-Эс телевидениеси кечасининг давоми.

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Мультфильм. 9.05 Экранда 01 хизмати. 9.35 «Кўлдаги оққушлар». Бадиий фильм. 12.00 Рус тили. 12.30 Матбуот клуби. 13.30 «Ҳамдўстлик». 16.30 Совет Россияси видеоканали. 19.00 Время. 19.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффусда — Хайрли тун, кичкинтойлар!

18 март, якшанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Фильм-концерт. 10.30 Мактаб ўқувчилари учун. 10.55 «Хотиннинг эри». Спектакль. 12.45 Ҳужжатли экран. 13.30 Амалий давра суҳбати. 14.30 Алифбо сабоқлари. 15.00 Дўстлик программаси. 16.00 Тарона ансамбли ижро этади. 14.45 Реклама. 18.00 «Санъат гунчалари». 18.45 Инсон ва хизмат кўрсатиш тармоқлари. 19. 30 Ахборот. 19.50 Сиҳат-саломатлик. 20.25 Реклама. 20.30 Ахборот. 20.50 Фильмотекамиз жавонидан. 21.30 «7 кун». 22.30 Дилрабо шеърият кечаси. Туроб Тўла.

УзТВ-II. Душанбе. 10.00 Ахбор. 10.25 Ҳужжатли фильм. 10.40 Дониш студияси. 11.15 Фильм-концерт. 12.35 «Мен севган масхарабоз». Бадиий фильм. 17.35 Мультфильм. 18.00 Мўъжиза-алифбо. 18.30 Телетомошабин ҳамроҳи. 19.00 Забони мо жаҳони мо. 20.00 Ҳафта. 20.30 Таронаҳои Шарқ. 21.30 «7 кун». 22.30 «Мен севган масхарабоз». Бадиий фильм.

МТ-I. 8.30 Спорт ҳамма учун. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортлото. 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Ватан хизматида. 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 Концерт 12.05 Здоровье. 12.50 «Қорқиз». Бадиий фильм. 14.30 Педагогика ҳамма учун. 16.00 Қишлоқ янгиликлари. 17.15 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. 19.30 Мультфильм. 20.05 «Аткинс» Бадиий фильм. 2130 «7 кун». 22.30 Абадият ҳақида ўйлар. 22.45 Концерт.

МТ-II. 8.30 Заряднга сафланинг. 8.45 Мультфильм. 9.05 Концерт. 9.25 «Ягуар». Бадиий фильм. 10.50 «Жигули аср охирида». 11.05 Коллаж. 11.30 Концерт. 11.55 Баскетбол. АҚШ чемпионати. 12.55 Режиссёр П. Коган фильмлари. 13.40 Болалар учун фильм. 15.00 Совет Россияси видеоканали. 17.30 Халқаро программа. 18.30 Мусиқий видеоканал. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Агар сиз... 21.30 «7 кун». 22.30 «Ву ажойиб камолот ёши». Бадиий фильм. 23.40 Сувга сакраш.

СПОРТ

Биринчи қаҳрамон

● Жаҳоннинг машҳур футболчилари сафидан жой олган моҳир дарвозабон Лев Яшин юксак унвонга сазовор бўлди. У совет спортчилари орасида биринчи бўлиб Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирланди. Умрини футболга бахшида этган Яшин 21 мавсум мобайнида Москва динамочилари дарвозасини қўриқлади. Бу команданинг беш марта чемпион бўлиб, уч марта СССР кубогини олишига ўзининг муносиб улушини қўшди. Яшин мамлакат терма командаси сафида 75 марта майдонга тушган. Футболчиларимизнинг 1956 йили олимпиада чемпионлари бўлиши, 1960 йили Европа кубогини эгаллашида ҳам камарбасталик қилган. Жаҳон миқёсида бир неча бор энг яхши футболчи, деб эътироф этилган. Ёшларнинг меҳрибон устози Яшинни юксак унвон билан муборакбод этамиз.

Шахматчилар анжуманида

● Жумҳурият шахмат федерациясининг пленуми ўтказилди. Анжуман қатнашчилари жумҳуриятимизда шахматнинг аҳволи, ютуқ ва камчиликлар, истиқбол йўллари ҳақида фикр юритдилар. Кейин ҳаракат дастури белгиланди. Таниқли адабиётшунос олим Л. П. Қаюмов Ўзбекистон шахмат федерациясининг раиси этиб сайланди.

Уюшмага айланди

● Ўзбекистон футбол ҳакамлари федерациясининг ҳисобот-сайлов конференцияси қатнашчиларининг истаклари инобатга олинди. Жумҳурият ҳакамлари федерацияси уюшма номини олди. Унга таниқли спорт шарҳловчиси А. Имомхўжаев раис этиб тайинланди.

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 12 март куни чиқади.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР Алоқа министрлиги
ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар ҳайъатининг ҚУЙИДАГИ ВАЗИФАЛАРИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: рақамли техника ва электр алоқасини бошқариш системалари, фалсафа, радио эшиттириш ва телевидение;
профессор: фалсафа;
доцентлар: олий математика (2), ҳисоблаш математикаси (2), тиллар (ўзбек тили секцияси), электр занжирлари назарияси, физика, сигналларни узатиш назарияси (2), радио эшиттириш ва телевидение, радио алоқа системалари ва қурилмалари, алоқа линиялари дискретли ахборот узатиш;
катта ўқитувчилар: фалсафа, иқтисодиёт ва алоқа корхоналарини планлаштириш, олий математика, тиллар (ўзбек тили секцияси), алоқанинг электр истеъмол қилувчи қурилмалари, кўп каналли электр алоқаси, радио қабул қилиш қурилмалари (2), электрон-квант асбоблари (3).
ассистентлар: физика, электр занжирлари назарияси, радио алоқа системалари ва қурилмалари, электр истеъмол қилувчи алоқа қурилмалари, автомат электр алоқаси (2), дискретли ахборотларни узатиш, радио қабул қилувчи қурилмалар, электрон-квант асбоблари (2).
ўқитувчилар: чет тиллар (немис тили), ўзбек тили.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги маконга жўнатилсин: 700084, Тошкент алоқа электротехника институти.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги Иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1947 йилдан КПСС аъзоси
Акромжон ОТАХОНОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институтининг ректорати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари ҳамда назарий социализм кафедраси жамоаси шу кафедра доценти М. А. Аҳмедовга рафиқаси
Ҳалима Қосимовна ҒОЗИХУЖАЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Р. — 02145. № 58. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12